O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI






# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 7-iyun • N 23–24 (3658)


## ПРЕЗИДЕНТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА ЕТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун 6 июн куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитой ва Россия давлатлари аъзо бўлган ушбу ташкилот ўтган йили июн ойида Хитойнинг Шанхай шаҳрида тузилган эди.

Бу галги саммитда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида амалга ошириладиган ишлар, аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилиб, қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

* * *

**6 июн. Санкт-Петербург. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун 6 июн куни Санкт-Петербург шаҳрига етиб келди.

Санкт-Петербургнинг "Пулково-1" аэропортида давлатимиз раҳбарини ушбу шаҳар губернатори В.Яковлев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун Ислом Каримов билан Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг учрашуви кутилмоқда.

**(ЎзА).**

Александр ПУШКИН

## ЎТИНЧ

**Ўзинг асра энди мени, туморим,**
**Қувғин чоғларимда мени асрай қол.**
**Қалбимни чулғаса шубҳа ва малол,**
**Ўзинг асра энди мени, туморим.**

**Тўлқинлар бузишиб сабру қарорим,**
**Теграмни чулғашиб олсалар мутлоқ,**
**Булутлар солсалар ваҳший қалдироқ,**
**Ўзинг асра энди мени, туморим.**

**Бегона элларда ёзиб хуморим,**
**Эринчак сукунат қўйнида қолсам,**
**Оловли жанг ҳиссин қалбимга солсам,**
**Ўзинг асра энди мени, туморим.**

**Сирли ва муқаддас офтоб узорим,**
**Алдоқчи, ғаройиб, лазиз туйғулар...**
**Хиёнат кўкида ботдилар улар...**
**Ўзинг асра энди мени, туморим.**

**Ўтган хотиралар – дилдаги зорим,**
**Қалбим жароҳатин тирнамасин, бас,**
**Алвидо, умидлар, тинч ухла, ҳавас,**
**Ўзинг асра энди мени, туморим.**



С.СПИРИДОНОВ сурати

## ШОИРНИНГ ЭРКСЕВАР РУҲИ

Ҳақиқий ижодкорлар қайси халқу қайси адабиётга мансуб бўлишидан қатъий назар баркамол ижоди билан барча халқлар қалбига бирдай кириб боради. Алишер Навоий, Робиндранат Тагор, Александр Пушкин шундай ижодкорлар сирасидандир.

Улар яратган улкан шеърият мана неча асрлардирки, гўзал кошона янглиғ мухлислар кўнглини ёруғ нурларга лиммо-лим этиб турибди. Аслида шеърият кошонасини шоирлар бино этадилару кўркам жилоларидан, ўктам оҳангларидан, жамики чинакам сеҳридан мухлислар–шеърхонлар баҳраманд бўладилар.

Кеча пойтахтимиздаги Пушкин хиёбонида бўлиб ўтган шеърият анжуманида ҳам бу ҳол яна бир бор ўз ифодасини топди. Анъанавий пушкинхонликда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Россия Федерацияси элчихонаси, қардош халқлар маданият марказлари вакиллари, таниқли шоир-ёзувчилар, ноширлар, журналистлар ва шоирнинг мухлислари иштирок этдилар.

Тадбир шоир ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

Пушкинхонликни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Абдулла Орипов очди ва бошқариб борди. «Бугун жаҳон ўзининг энг севимли шоирларидан бири Александр Сергеевич Пушкин таваллуд топган кунни нишонламоқда, – деди шоир ўз сўзида. – Ҳар йили мана шу ҳайкал ёнида мушоира ўтказамиз. Чунки Пушкин ҳамма халқлар учун бирдай ардоқли сўз санъаткоридир».

Анжуманда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Д.Б.Рюриков сўзга чиқиб, тадбир ташкилотчилари ва қатнашчиларга миннатдорлик билдирди.

Сўнгра пушкинхонликка йиғилган шоирлару шеърият ихлосмандлари иштирокида қизғин мушоира бўлди.

**САФАР**

# НОЁБ ТАРИХИЙ ҚЎЛЁЗМА

## консерватория музейидан жой олди

Миллий мусиқа маданиятимиз тарихи олис асрлар қаъридан садо беради. Хусусан, Хоразм мусиқаси ҳам бой ва сермаҳсул тарихга эга. Унинг бирламчи даври Султон Муҳаммад Қутбиддин ва Жалолиддин замонларига бориб тақалади. Кенг ривож топиб, гуллаб-яшнагани иккиламчи даври бўлиб, 1805-1864 йиллар ҳисобланади.

Ана шу вақтларда машҳур ҳофиз Комил Хоразмий каби бир қатор устоз-шогирд санъаткорлар авлоди етишиб чиқди. 1864 йили тахтни эгаллаган Муҳаммад Раҳимхон Феруз замонига келиб, миллий мусиқамизни наинки авлоддан авлодга оғзаки тарзда, балки ёзма (яъни ҳозирги нота сингари) шаклда етказишга интилиш ҳисси пайдо бўлган эди. Ҳукмдорнинг шу мақсадда берган кўрсатмаси ҳофиз Комил Хоразмийни тарихий кашфиёт қилишга илҳомлантирди. Натижада кўҳна Хоразмда «Танбур чизиғи» деб номланган мусиқий савод ўргатувчи мажмуа юзага келади. Ўша даврда бу тўплам, аниқроғи, қўлёзма тарзидаги китоб ҳар бир шогирднинг севимли ҳамроҳи бўлиб, ўзи билан олиб юрар ва ундан машғулотларда фойдаланар экан.

Ана шу қўлёзмалардан бирини ўша шогирдларнинг бири бўлган ҳофиз Искандар махсум Ёқуб ўғли умрининг охиригача кўз қорачиғидек асраб келади. Ундан сўнг бу нодир мерос фарзандлари Жуманиёз ва Оминаларда, сўнгра Омина аянинг набираси Ҳофиз Оллоназаров томонидан шу пайтгача сақлаб келинган эди.

Ушбу қадимий ноёб қўлёзма — «Танбур чизиғи»ни фуқаро Ҳофиз Оллоназаров яқинда Президентимизга тақдим этди. Шу муносабат билан пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳофиз ака уйига бир гуруҳ жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг эсдалик совғаси ва жавоб мактуби Ҳ. Оллоназаровга топширилди. Мактубда шундай сўзлар битилган:

**«Ҳурматли Ҳофиз Оллоназаров!**

**Сизга халқимиз маънавий меросининг беқиёс намунаси бўлмиш қадимий нота ёзуви — «Танбур чизиғи» қўлёзмасини тақдим этганингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.**

**Мана шундай бебаҳо асарни кўп йиллар давомида кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келгани учун Сизнинг ота-боболарингизга, оила-аъзоларингизга мамлакатимиз мусиқа жамоатчилиги номидан, ўз номимдан ташаккур айтиш ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман. Бу ,ўз навбатида, аждодларимизнинг маърифатни, санъат ва маданиятни нечоғли юксак қадрлаганидан, доимо эзгуликка интилиб яшаганидан далолат беради.**

**Бой ва бетакрор мусиқа санъатимиз тарихининг ёдгорлиги бўлган бу нодир қўлёзма Ўзбекистон Давлат консерваториясининг мусиқа музейида сақланишини маъқул деб биламан. Бу ноёб асар миллий мусиқамиз асосларини ўрганишда муҳим қўлланма, айни пайтда мумтоз ўзбек санъатининг барча ихлосмандлари учун фахр-ифтихор манбаи бўлиб қолиши шубҳасиздир.**

**Сизга яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этар эканман, хонадонингизга тинчлик-омонлик, бахту саодат тилайман.**

**Доимо соғ-саломат бўлинг.**

**Эҳтиром билан,**

**Ислом Каримов,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.»**

Албатта, бундай юксак эътибор, самимий иззат-ҳурмат ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Зеро, у ҳар кимга насиб этавермайди ҳам. «Юртбошимиз республикамизнинг мендек оддий бир фуқаросига эътибор бергани оила аъзоларимизни беҳад мамнун этди. Хатимга жавоб мактуби йўллаганлари ҳар бир оддий ўзбекистонликка нисбатан Президентимиз эътиборининг ёрқин намунасидир», — дейди фахрланиб Ҳофиз ака.

Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилган «Танбур чизиғи» қадимий қўлёзмасининг асл нусхасини Ўзбекистон давлат консерваториясига топшириш маросими нафақат Ҳофиз Оллоназаров, балки барча йиғилганлар учун унутилмас воқеа бўлди. Унда Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Бадиий академия, Бастакорлар уюшмаси ходимлари, ўнлаб мусиқий таълимга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларининг устозу шогирдлари иштирок этдилар.

Консерватория ректори Баҳром Қурбонов тадбир иштирокчилари ва меҳмонларни қутлаб, сўзни Президентимизнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султоновга берди. Х.Султонов Президентимиз номидан «Танбур чизиғи» қўлёзмасини консерватория ректори Б.Қурбоновга топширди.

Профессор Равшан Юнусов мазкур қўлёзманинг миллий мақом ижрочилигини янги босқичга кўтаришдаги аҳамияти хусусида сўзлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Феруза Абдураҳимова эса бу нота ёзувини консерватория ва мусиқа мактаблари ўқув жараёнида қўллаш лозимлиги хусусидаги фикрини ўртага ташлади.

Умуман олганда, бу янги топилманинг аҳамияти шундаки, унда жами 97 та ашула мавжуд бўлиб, шу жумладан 70 таси Хоразм танбур мақомларининг айтим йўллари, қолган 27 таси эса Хоразм дутор мақомларининг айтим йўлларидан иборат. Айтим йўли мусиқа матни ва (ашуладаги) сўз матни деганидир.

Мазкур қўлёзманинг тарихий аҳамияти, шу пайтгача маълум бўлган Баёний қўлёзмасига кўра мукаммаллиги ва



фарқли жиҳатлари хусусида газетамизнинг шу йил 29 март сонида чоп этилган «Шу кунларни кутган мўъжиза» номли мақолада батафсил тўхталган эдик.

Мухтасар қилиб шуни айтмоқчимизки, ушбу тарихий нодир қўлёзма юртдошларимизнинг фидойилиги, жонкуярлиги боис асрлар оша пинҳона яшаб, мустабид давр тўфонларидан омон ўтиб, ниҳоят ёруғлик кўрди. Энди бамисоли озод қуш бўлиб озод диёримиз миллий мусиқа маданияти тарихини жаҳонга ёрқин намоён этиши шубҳасиздир.

**Сафар ОЛЛОЁР**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Сарҳисоб – XX» фестивали доирасида Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрининг «Бир ўлиб кўрайчи» спектакли намойиш этилди.

Асарда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар акс этган. Спектакл Холиқ Хурсандовнинг шу номли асари асосида саҳналаштирилган бўлиб, унга Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов режиссёрлик қилган.

**Б.МАМАДИ**

* * *

**Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонасида «Ҳозирги замон иқтисодиётига асосланган кутубхона ишларининг янги турлари» мавзуида семинар ўтказилди.**

* * *

Самарқанд Давлат музей қўриқхонасида «Ўзбекистон рангтасвир дурдоналари» номли кўргазма ташкил этилди. Унда қўриқхонада сақланаётган мингдан ортиқ тарихий асарлар намойиш этилмоқда.

**М.КАРИМОВА**

***

**Самарқанддаги Садриддин Айний музейида адиб таваллудининг 124 йиллиги муносабати билан амалий анжуман ўтказилди. Унда филология факултети декани Жума Ҳамроев ва доцент А.Самадов адиб ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилдилар. Талабалар адиб асарларидан саҳналар намойиш этдилар.**

## САҲНАДА «АРМОН»

Бу шунчаки томоша эмас. Ундаги аянчли, изтиробли воқеалар қалбларни ларзага солади. Дунёнинг бугунги дардларидан энг даҳшатлиси – террорчилик, босқинчилик, унинг оқибатида келиб чиққан фожиалар, айрилиқ, ота-оналар, келинчаклар ҳижрони, аччиқ кўз ёшлари.

Саҳна асари шу ҳақда... Аниқроғи – террорчилар ҳуружи туфайли шаҳид кетган эл ўғлонлари...

Драматург Яздон Худойқуловнинг Каттақўрғон шаҳар ўзбек драма театрида саҳналаштирилган «Армон» деб номланган асари шу ҳақда ҳикоя қилади.

Спектаклни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Нурмонов саҳналаштирган.

Спектакл тақдимномасида иштирок этган «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси, Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги вакиллари саҳна асарининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги аҳамияти, унинг ютуқ-камчиликлари ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

**А.ҲОШИМОВ**


Бу сонда:

ТЎРТИНЧИ АДАБИЙ ТУР
Бадиият ва назария → 3



ДИЛИМНИНГ ШУ ТУПРОҚДА ОЧИЛГУВЧИ ГУЛИ БОР → 4

БУВИМНИНГ ИЛТИЖОЛАРИ

«МЕН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ САНЪАТКОР БЎЛДИМ» → 6




## БИЛДИРИШ

**11 июн, сешанба куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Онажоним шеърият» ижодий тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади.**

**Машғулотни Қўчқор Норқобил ва Хосият Рустамова олиб боради.**

**Манзил: Ж.Неру кўчаси, 1-уй.**

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси*

Озод ШАРАФИДДИНОВ:

# МОДЕРНИЗМ — ЖЎН ҲОДИСА... ЭМАС

Адабий гурунглар

**–Гарчи «модернизм» атамаси қарийб бир асрдан бери ишлатилиб келинаётган бўлса-да, биз учун янги, бир қадар нотаниш истилоҳ. Суҳбатимиз бошида бу тушунчанинг моҳияти ҳақида газетхонларимизга маълумот берсангиз.**

–«Модернизм» асли французча «модерн» сўзидан олинган бўлиб, «замонавий» деган маънони билдиради. Бу истилоҳнинг биз учун бир қадар нотаниш бўлиб келганининг сабаблари бор. Бу сабаблар, биринчидан, мафкуравий характерга эга ва шўро даври адабий сиёсати билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, шўролар ҳаётдаги ҳамма соҳаларни бирваракайига тубдан ўзгартиришни даъво қилиб чиқишган эди. Шу билан бирга улар бутунлай янги одам яратиш ғоясини ҳам олдинга суриб, шунингдек, янги адабиёт даъвоси билан ҳам чиқишган эди. Ҳаёт бу даъволарнинг пуч эканлигини исбот қилди. Жумладан, ҳар қандай инсон ҳаёти давомида турфа хил ўзгаришларни бошидан кечирса ҳам, бир қувончларга тўлиб, бир бахтсизлик ичида яшаса ҳам, зоҳиран қараганда, бир терининг ичида неча марта озиб-семирса ҳам, аслида унинг табиати дунёдаги энг кам ўзгарадиган нарсадир. Инсоншунос олимларнинг бугунги инсон табиатига кўра, бундан 2000 йил олдинги инсондан жуда кам фарқ қилишини исботлаб беришган. Унинг тафаккурида қандайдир янги ғоялар туғилиши мумкин, лекин тафаккур механизми эскича қолади. Унинг туйғуларида қандайдир янги хислатлар пайдо бўлиши мумкин, лекин барибир туйғуларнинг ўзи жуда кам ўзгаради. Даврлар ҳар қанча ўзгармасин, инсонни ҳаракатга келтирувчи асосий омил шахсий манфаат бўлиб қолаверади. Инсоннинг бу хислати русларнинг «Балиқ чуқур жойни излайди, инсон эса яхши жойни» деган мақолида жуда яхши ифодаланган. Худди шунга ўхшаш, инсоннинг руҳий-маънавий фаолиятининг ҳосиласи бўлмиш санъат ва адабиёт ҳам табиатдан кам ўзгарадиган ҳодисалардандир. Албатта, санъат ва адабиёт пайдо бўлган даврлардан бери муайян тадрижий йўлни босиб ўтди, лекин бу йўллар мазмуни қандай бўлмасин, санъат ва адабиётнинг моҳияти ўзгаргани йўқ. Ҳамон унинг марказида инсон ва унинг дардлари турибди. Ҳамон унинг асосий муаммоси инсон ким ва у қандай яшамоғи керак, инсон ҳаётининг моҳияти нимада, деган муаммолар. Афсуски, шўро мафкураси инсон табиатидаги мана шу муқимликни тан олишни истамади. Ва ҳар хил воситаларни ишга солиб, уни тубдан ўзгартиришга киришди. «Пролетар адабиёти» деган адабиёт ўйлаб топилди. Унинг бирдан-бир методи социалистик реализм, деб эълон қилди. Бундан бир қадар ташқарига чиқадиганларни синфий душманга чиқаришди ва шунга мувофиқ улар жазоларга мустаҳиқ қилинди. Аммо табиийки, инсон бир хил бўлмаганидек, унинг адабиёти фақат бир хил мазмунда ёзадиган, фақат бир хил услубни тан оладиган, якранг адабиёт бўлиши мумкин эмас эди.

**–Ўтган асрнинг 20-30 йилларида модернизм оқимига мансуб деб ҳисобланган асарлар Ғарбда ҳам, Америкада ҳам тазйиққа учраган эди. Ўзингизга маълум, собиқ иттифоқ даврида Ғарб адабиёти билан шуғулланган рус адабиётшунослари ҳам бир овоздан модернизм адабиётини кескин танқид қилиб чиқишганди. Яъни бу адабий оқим вакилларининг асарлари Ғарбда инкор этилди, кейинча коммунистик ғоя тарафдорлари томонидан тамоман рад қилинди. Бунинг сабаблари ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.**

–XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳонда ижтимоий ҳаёт соҳасида тараққиёт суръатлари мислсиз тезлашиб кетди. Бу фикрда, қарашларда ҳам кўплаб янгича қарашлар, янгича фикрларни вужудга келтирди. Улар адабиётда ҳам инсонга янгича муносабатда бўлишни тақозо эта бошлади. Бошқача айтганда, адабиётда кўп вақтлардан бери амал қилиб келган реализм методи қай бир жиҳатдан эскиргандек, янги мазмунларни ифодалашга торлик қилиб қолаётгандек кўринди. Ва айрим санъаткорлар замон талабларига мувофиқ равишда ҳаётни акс эттиришнинг янги йўллари, шаклларини излай бошладилар. Шу тарзда бутун жаҳон бўйлаб турли-туман модернистик, яъни замонавий оқимлар пайдо бўла бошлади. Албатта, буларнинг ичида самаралилари ҳам бор эди. Ва шунчаки тажриба тариқасида ўтказилган, лекин амалда катта муваффақиятларга эришмаганлари ҳам бор эди. Бу изланишлар, тажрибалар мутлақо табиий ва қонуний эди. Лекин шўро мафкураси нуқтаи назаридан ҳар қандай модернизм ёки санъат ва адабиётдаги ҳар қандай изланиш социалистик реализмдан чекиниш деб қаралар ва шунинг учун у қораланиши керак эди. Шундай қилиб бизда «халқ душманлари», «буржуа миллатчиси», кейинроқ эса «ревизонист» сингари «модернист» деган айблов ҳам майдонга келди.

Модернизмни ёқлаган, модернистик оқимларни маъқул кўрганлар мафкуравий душман сифатида талқин қилинди. Фақат аср охирига келгач, ўзбек адабиётшунослари ичида бу масалаларни қаламга олиб тўғри талқин қилишга ҳаракат бошланди.

**–«Жаҳон адабиёти" журнали ва «ЎзАС»да эълон қилинган айрим мақолаларни айтмаганда бугунги адабиётшунослигимиз модернизм адабиётидан бехабар десак, тўғри бўладими?**

Давоми учинчи бетда

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛЛАРИ

Афғонистон билан Ўзбекистон орасидаги тарихий муносабатлар ва яхши қўшничилик Бохтар(Бақтрия), Кушонлар, Эфталитлар, Тагиншоҳийлар, Ғазнавийлар даврларидан бошланиб, бугунги кунга қадар давом этмоқда.

XV асрда Ҳирот шаҳри Хуросоннинг пойтахти сифатида темурийлар маданияти марказига айланиб, улуғ шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий сиймосида Шарқ Ренессансининг гувоҳи бўлди. Ўша даврдан қолган моддий-маънавий ёдгорликлар халқларимизнинг муштарак ижодкорлиги обидалари бўлиб келмоқда.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Хуросон ва Ҳиротга шу қадар кўнгил берган эдики «Девони Фоний»да Ҳирот хиёбонини жаннатга олиб борувчи шоҳкўча деб тавсифлайди ва «Ҳайрат ул-аброр»нинг ўн тўққизинчи мақолатини Хуросонга бағишлаб, жумладан, Ҳирот ҳақида қуйидаги байтларни ёзади:

**Шаҳрлар отини маҳаллот этиб,**
**Бўлди чу юз шаҳр «Ҳири» от этиб.**

**Оллоҳ-Оллоҳ, не Ҳири бу Ҳири,**
**Бир-биридин турфа анинг ҳар бири.**

**Икки савобит фалакидин нишон,**
**Икки хиёбони ики каҳкашон...**

**Фохта қандилида хилватнишин,**
**Арнда ул навъки руҳ ул-амин.**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Афғонистон ўлкаси, айниқса, Кобул шаҳрига кўнгил бериб, у ва бошқа минтақалар ободонлиги учун бутун куч-ғайратини ишга солди. Бобурийлар фақат Кобулдагина эмас, балки Афғонистоннинг бошқа жойларида ҳам чиройли боғлар, ёдгорликлар ятратдилар. Шердарвоза тоғининг этагида чиройли баланд бир жойда қурилган «Боғи Бобуршоҳ» ўз вақтида Бобур учун севимли маскан бўлгани каби, бугунги кунда ҳам Кобул шаҳри аҳолисининг кўнгилочар сайлгоҳларидан бири ҳисобланади.

Бобурийлар Кобулда Шаҳроро, Жаҳоноро боғлари, Нилабоғ, Гулбоғ, Боғи Оҳухона, Шимолийда Истолиф боғи, Машриқийда Боғи Сафо ва Боғи Вафо, Қандаҳорда Чиҳил зина каби ёдгорликларни ўзларидан ёдгор қолдирганлар.

Бобур юсуфзай қабиласи ва бошқа афғон қабилалари билан дўстона муносабат ўрнатиб, биринчи бўлиб пушту қабилалари ҳақида ишонарли этнографик маълумотлар тўплаб, Кобул ва Афғонистоннинг бошқа ҳудудлари ҳақида «Бобурнома»да жўғрофий маълумотлар ёзиб қолдирди.

Бобурни афғоншуносликнинг асосчиси десак хато бўлмайди.

У юсуфзай қабиласи раисининг қизи Биби Муборакани (Бобурнинг қизи Гулбаданбегим унинг лақабини «Ҳумоюннома»да Афғоний оғоча деб берган) ўз никоҳига олди. Машҳур афғон тарихчиси марҳум Абдулҳай Ҳабибий «Афғонистон кўрагонийлар даврида» китобида ёзишича, Бобур вафотидан кейин, васиятига биноан, унинг тобутини Ҳиндистондан Кобулга келтириб Бобуршоҳ боғида дафн этиш маросимида унинг севгили хонними – Афғоний оғоча ҳам иштирок этган экан. Ҳабибий ўзининг «Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳ» номли китобида Бобур ва бобурийлар ҳақида муфассал, қимматли маълумотлар беради.

Буюк ўзбек шоирлари – Алишер Навоий ва Малик ул-калом Лутфий Ҳиравийнинг абадий ётар жойи Ҳирот шаҳрида, машҳур шоир Атоийнинг қабри Балхда, лирик шоир Бобораҳим Машрабнинг марқади Ишкамишда ўзбек халқининг қалбини ҳар доим Афғонистон билан боғлаб туради.

*Теран томирлар*

Темурийлар давридан қолган Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъаси ва Жомеъ масжиди, Мусалло миноралари, Гавҳаршодбегим мақбараси, Мазори Шарифда ҳазрат Алининг рамзий қабри устида қурилган ҳашаматли гумбазлар, Сарпул дарёсидаги «Хиштпул» кўприги Афғонистон ва Ўзбекистон халқлари орасида тарихий дўстликнинг рамзи бўлиб қолади.

Ўзбекистон Марказий Осиёда кўп йиллар давомида Афғонистон учун кадрлар тайёрлаш маркази бўлиб келган. Салкам 2000 афғон талабаси Ўзбекистон олий ўқув юртларида ўқиб, ўнлаб изланувчилар диссертациялар ёқлаб, фан докторлари ёки фан номзодлари унвонларини олишга муваффақ бўлганлар.

Ҳозир Ўзбекистон Шарқ ўлкалари ичида энг муҳим афғоншунослик маркази ҳисобланади. Марҳум Абдуғани Ғаниев, марҳум Босит Мусаев, профессорлар – фан докторлари Абдураҳим Маннонов, Ориф Усмонов, Аҳмаджон Қуронбеков, Марат Бобохўжаев, Раҳмон Инъомхўжаев, фан номзоди Олим Шокиров ва бошқалар пушту ҳамда дарий тиллари ва адабиёти бўйича илмий китоблар, рисолалар, мақолалар нашр қилиб келмоқдалар. Тошкент давлат шарқшунослик институти эса пушту ва дарий тилларини ўқитиш маркази ҳисобланади.

Ўзбек афғоншунос олимлари дунёда биринчилардан бўлиб Боязидруҳон тасаввуфий мактаби (А.Маннонов) ва Хушҳолхон Хатак адабий мактаби (О.Усмонов) бўйича докторлик диссертациялари ёқлаганлар. Ўзбекистон радиоси ҳар икки тилда қизиқарли эшиттиришлар бермоқда. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида нодир ва ноёб асарлар қаторида Афғонистон давлати асосчиси бўлмиш Аҳмадшоҳ Дурроний қаламига мансуб пушту девонининг дунёда ягона нусхаси сақланмоқда.

Афғонистон билан Ўзбекистон орасидаги иқтисод ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик ҳам узоқ ўтмишга эга. Ўзбекистон мутахассислари Нанграҳор учун ҳаётий манба бўлмиш Жалолобод канали ва унга тегишли иншоотлар, Ҳада ва Ғозиобод катта фермаларини қуриб берганлар. Ўзбекона услубда қурилган, Самарқанд мармар тошлари билан безатилган Ижтимоий фанлар институтининг чиройли мажмуи ўзбек халқидан Афғонистон халқига ҳадя этилган эди.

Истиқлол даври ҳар икка-ла мамлакат орасида ҳамкорликни кенгайтириш учун муносиб шароит яратиб берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Афғонистон – Ўзбекистон дўстлиги янги босқичининг асосчиси десак ҳақ гапни айтган бўламиз. У қатъият билан Мустақилликнинг илк кунларидан Афғонистонда давом этиб келаётган самарасиз қонли урушларни тугатиш мақсадида имкон борича саъй-ҳаракат бошлади. У юзларига дин ниқобини тортган экстремистик кучларнинг нуфузи кун сайин Афғонистон ва минтақада ошиб боришидан хавотирланиб, улар келтириб чиқарган урушлар оқибати ниmaларга олиб келишини тушунтиришга интилди. И. Каримов ЭКО, МДҲ йиғилишларида, БМТ ассамблеясида, турли давлатлар раҳбарлари ва сиёсат арбоблари билан учрашувларида, асарларида Афғонистон масаласини қонли фожиа сифатида ўртага ташлаб, диққат-эътиборни бу мураккаб муаммони ҳал қилишга қаратди.

Ўзбекистон давлати раҳбари БМТ бош котиби Бутрус Бутрус Ғолига юборган мактубида Афғонистон муаммоси музокара йўли билан ўз ечимини топишини тарихий зарурат сифатида ўртага ташлаб, ушбу мақсадга эришиш учун барча мамлакатлар Афғонистоннинг ички ишларига аралашмасликлари, мамлакатта қурол эмбаргосининг жорий этилиши, наркобизнес йўлини тўсиб, музокара йўлига ўтиш зарурлиги ҳақида амалий таклифлар тақдим этган эди.

Юртбошимиз жонкуярлик билан барча дунё халқлари ва давлатлари диққатини Афғонистон халқининг ачинарли аҳволига қаратиб, ушбу мамлакат халқаро терроризмнинг ўчоғи, наркотик моддаларни ишлаб чиқиб тарқатиш ва профессионал террорчиларни тарбиялаш марказига айланганини боб-бот уқтирди.

Ўзбекистон Президенти томонидан ўртага ташланган 6+2 формуласи асосида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тарихий учрашув ўзбек дипломатиясининг ютуғи сифатида халқаро миқёсда катта эътибор қозонди ва БМТ томонидан эътироф этилди.

11 сентябр қонли ҳодисасидан кейин халқаро терроризмга қарши АҚШ ташаббуси билан халқаро миқёсда коалиция юзага келгач, Ўрта Осиёда Ўзбекистон биринчи бўлиб шу ташаббусни маъқуллади.

Халқаро кураш натижасида Толибон режими ва «ал-Қоида» ташкилотига хотима берилди, БМТ бошчилигида Бонн конференцияси ташкил этилиб, Афғонистонда муҳтарам Ҳомид Карзай раҳбарлигида муваққат ҳукумат юзага келиб, иш бошлади.

Бонн конференцияси иштирокчилари томонидан муваққат ҳукумат раҳбари қилиб тайинланган Ҳомид Карзай жаноблари ўлкада танилган сиёсий арбоблардан биридир. Унинг отаси марҳум Абдулаҳад Карзай Афғонистоннинг машҳур шахсларидан бири ва сенат мажлисининг раиси эди. У Покистонда Толибон томонидан террор қилинган.

Жаноб Карзай бир ватанпарвар, гуманист ва бағрикенг инсон сифатида юқори дипломатик малакага эга бўлиб, Афғонистонда яшовчи барча халқларнинг тенгҳуқуқлилигини таъминлаб, миллий бирликни мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз саъй-ҳаракат олиб бормоқда. У оғир бир босқичда ўлка кемасини ҳодисалар тўлқинлари ичидан ўтказиб, зиммасига нажот қирғоғига етказиш масъулиятини қабул қилди.

Ҳозир муваққат ҳукумат олдида йигирма йилдан ортиқ давом этган урушда иқтисоди таназзулга учраб, моддий ва маънавий бойликлари талонторож қилинган, фуқароларининг учдан бир қисми чет элларда овора бўлиб юрган бир мамлакатни қайта қуриб, ободонлаштириш вазифаси турибди. Лекин қийинчилик ва муаммолар ҳар қанча кўп бўлмасин, Афғонистон халқи муваққат ҳукуматга ишонч кўзи билан қарамоқда. Ҳукумат раҳбари Афғонистон халқи халқаро ёрдам ва ҳамкорлик соясида 23 йиллик уруш оқибатларини тугатиб, иқтисодий ва маданий ҳаётни изга солиш имониятига эга, деб таъкидлаб келмоқда.

Оз муддат ичида ҳукумат раҳбари Япония, Хитой, Покистон, Бирлашган араб амирликлари, Арабистон, Буюк Британия, Эрон ва Ҳиндистонга сафар қилиб, бир қанча ютуқлар билан қайтди.

Ҳозир дўст мамлакатлар ёрдами кетма-кет Афғонистонга жўнатилмоқда. Ўзбекистон давлати бу соҳада биринчи бўлиб гуманитар юклар тўла вагонларни жўнатди; қуруқлик ва дарёдан ўзининг барча транспорт имкониятларини сафарбар қилиб, Ҳайратон кўпригини очиб берди.

Афғонистон халқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни ўзларининг самимий, содиқ ва жонкуяр дўстлари сифатида танийдилар, дунёда бошқа ҳеч бир раҳбар ёки давлат у каби афғон халқи, Афғонистон учун қайғурмаган, мамлакатда узоқ муддатли урушни тугатиш йўлларини қидириб, бош қотирмаган. Афғонистон халқлари Ўзбекистон раҳбари томонидан кўрсатилган ташаббуслар, амалга оширилган тадбирлар вайронага айланган ўлкада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида катта омил бўлганига ишонадилар.

Афғонистон муваққат ҳукуматининг раҳбари Ҳомид Карзай жаноблари бир неча ҳукумат аъзоларидан таркиб топган ҳайъат билан Ўзбекистон меҳмони бўлди.

Биз ишонамизки, бу алоқалар, ўзаро хайрихоҳлик ҳар икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни кенгайтириб, юқори босқичга кўтаради.

**Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ**

# ИЖОДИЙ КЕЧА

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида таниқли бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурхоновнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Кечада бастакорнинг асарлари ижро этилди.**



Концертни санъаткорнинг шогирдларидан бири, дирижёр ва композитор Мустафо Бафоев олиб борди. Тадбир «Ўзбекрақс» бирлашмаси қошидаги Миллий чолғулар оркестри ижросидаги Мустафо Бафоевнинг «Таҳсиннома» асари билан бошланди. Юнус Тўраев «Гул диёрим», Саодат Қобулова «Ба чашмони ат қасам», «Келса ногоҳ», Муяссар Раззоқова «Баҳор қўшиғи», Абдуҳалил Абдуқодиров «Нега тарк этдинг» романсларини маҳорат билан ижро этишди.

Мадад Худойберганов (скрипка), Улуғбек Имомов (вилончел) ва Гавҳар Имомова (фортепиано) ижросидаги «Трио» концертга кўтаринки кайфият олиб кирди.

Қатнашчилар ижродан аввал композиторга дил сўзларини айтишди. Ижродан сўнг Мутал Бурхонов уларга ўз қўли билан гуллар тақдим этди. Композитор ҳозирги кунда ҳам тинмай изланишда давом этяпти. Унинг янги асарлари илк бор мазкур концертда янгради. АҚШда таҳсил олаётган Яйра Матёқубовага бағишланган Скрипка ва оркестр учун поэма консерватория талабалари ва Яйра Матёқубова ижросида намойиш этилди.

Кеча дамли чолғулар оркестри ижросидаги «Универсиада марши» билан якунланди. «Универсиада марши» Мутал Бурхоновнинг сўнгги ижод маҳсулларидан бўлиб, Бухорода бўлиб ўтган «Универсиада – 2002»нинг очилиши учун ёзилган.

Концерт якунида тантана сабабчиси Мутал Бурхонов саҳнага таклиф этилди. У Умар Ҳайём рубоийларидан ёд ўқиб, «Ҳаммангизга бахт-саодат ёр бўлсин» дея дил сўзларини изҳор этди.

**Саодат ЖЎРАБЕКОВА**

## АДАБИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Китоб дунёси» газетаси таҳририяти ташкил этган «Китоб ва китобхонлик» мавзуидаги давра суҳбати бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло китобхонлик ҳақида гапириб, бошидан кечирган воқеаларни сўзлаб берди. Миллий адабиёт ҳақида мулоҳаза юритиб, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирни хотирлади; сўнгра янги шеърларидан ўқиб берди.

Мазкур давра суҳбатида яқиндан бери чоп этилаётган «Китоб дунёси» газетасининг тақдимот маросими ҳам бўлди. Газета муҳаррири Гулчеҳра Муҳаммаджонова, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бош муҳаррири Назира Жўраева ва бошқалар китоб, китобхонлик ҳақида сўз юритдилар. Тадбирда янги китоблар кўргазмаси намойиш этилди.

**Беҳзод МАМАДИЕВ**

* * *

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан ижодий учрашув бўлди. Кечани институт ректори А. Тўраев очди. Профессорлар Умарали Норматов, Раҳматилла Иноғомовлар адиб ва унинг ижодий фаолияти ҳақида фикр юритишди. Талабалар адибнинг «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси», «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асарларидан парчалар ижро этишди.

Кечага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оролмирзо Сафаров ижросидаги қўшиқлар ўзгача тароват бағишлади.

**Бобомурод ОДИЛОВ**



# БАРКАМОЛЛИК СИНОВИ

Ёшлар — жамиятимиз таянчи. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган маданий-маърифий ва иқтисодий ислоҳотларда уларнинг иштироки ва қўшаётган ҳиссалари беқиёсдир. Зеро, келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этиш соғлом авлодни камол топтириш вазифаси билан ҳам бевосита боғлиқдир.



Шу мақсадда мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Бухоро шаҳрида Ўзбекистон талаба ёшларининг «Универсиада — 2002» мусобақалари бўлиб ўтгани ҳам шу улуғвор харакатнинг яна бир далолатидир.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорои Шариф универсиада кунлари бамисоли ёшлар шаҳрига айлангандек бўлди. Унинг қадимий тор кўчаларидан тортиб, янги равон йўлларигача ёш спортчилар, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Шаҳар маркази эса ҳар куни улкан сайилгоҳга айланиб, бу муаззам шаҳарга бетакрор руҳ бахш этди.

Республика олий таълим муассасалари талабаларининг иккинчи анъанавий универсиадаси ўз олдига қўйган мақсадларга эришишга тўла муваффақ бўлди.



Ёшларимизни универсиада анжуманида бирлаштириб, дўстлаштирган бу тадбир соғлом авлод камолоти учун тетик руҳ, бардавом иштиёқ ва баркамол муҳит мезонини шакллантирди. Юртбошимиз Универсиада — 2002 спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригида таъкидлаганларидек, «Бу мусобақалар келажакда ўзбек спортчиларининг жаҳон олимпиадаси шоҳсупаларига кўтарилиши учун бамисоли зинапоя бўлиб хизмат қилади».

Дарҳақиқат, қадимий Бухорои Шарифда барпо этилган муҳташам спорт мажмуи ва бошқа замонавий ўйингоҳларда бўлиб ўтган ёшлик, гўзаллик ва шижоат айёми бўлмиш ушбу универсиада ёш спортчиларимизда юртимиз довруғини жаҳонга таратиш ҳиссини уйғотгани шубҳасиздир. Зеро, жаҳонда глобаллашув жараёни фаол тус олган ҳозирги пайтда ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг яратувчанлик қобилиятларини, бунёдкорлик салоҳиятларини тўла рўёбга чиқариш юртимиз, миллатимиз икелажагига дахлдор улуғ ишдир.

Бу борада универсиада сингари оммавий тадбирларнинг ўтказилиши ва унинг анъанавий тарзда давом эттирилиши айни муддао. Республика олий таълим муассасаларининг навбатдаги универсиадаси яна бир қадимий ва навқирон шаҳримиз — Самарқандда ўтказиладиган бўлгани ҳам фикримиз далилидир. Зеро, универсиада, бу — фақат спорт анжуманигина эмас, у айни чоғда маънавий баркамоллик синови ҳамдир.

**Нилуфар ЖАББОРОВА**



*Рассом устахонасида*

# БОРЛИҚНИНГ РАНГИ

Мусаввир Иқбол Илҳомов дангал йигит. Буни, бўш вақт топилди дегунча, Эрмитажга йўл олишидан билиш мумкин. Бир-икки кунда Рембрандт, Франс Галс, Беласгес, Крамский, Серов, Репин, Айвазовский, Пикассо асарларини томоша қилиб, ўрганиб қайтади.

Иқбол тасвирий санъат бўйича уч забардаст рассомдан дарс олган. Аниқроғи, Абдулҳақ Абдуллаевдан портрет чизиш усулларини, Чингиз Аҳмаровдан монументал-деворий санъат сирларини, Неъматилло Қўзибоевдан табиатни, одамнинг ички дунёсини тасвирга кўчириш йўлларини чуқур ўрганган.

Ёшлигида бахтли тасодиф уни Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жаloловга учраштирди. Қўқондаги Ҳамза номидаги драма театри фойесини безаш таниқли рассомга топширилганди. Ўшанда Иқбол Б.Жаloловга шогирд тушиб, ундан рассомликнинг нозик сирларини ўзлаштирди. Бу ўзига хос мактаб Иқболнинг келажагига таъсир қилмасдан қолмади, албатта.

Иқбол Қўқондаги санъат билим юртини муваффақиятли тамомлаб, Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомлик санъати (ҳозирги Санъат) институтига ўқишга кирди. 1993 йили ўзи таҳсил олаётган институтда шахсий кўргазмаси бўлди. Кўргазмага қўйилган йигирма бешдан ортиқ асарлари мушоҳадага бойлиги, таъсирчанлиги, бадиий жиҳатдан ранг-баранг, фикран теранлиги билан устоз рассомлар назарига тушди.



Иқбол Илҳомов ҳарбий зобит, айни кунларда Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида хизмат қилади. Ҳамкасблари уни Ўзбекистоннинг биринчи ҳарбий рассоми, деб тилга олишади. У ҳарбий интизомга риоя этиш билан бирга расм чизишга ҳам вақт топа олади. Демак, ижодни ҳаёт мазмунига айлантирган.

Яқинда Ўзбекистон давлат Санъат музейида рассомнинг шахсий кўргазмаси очилди, у энг сара асарларини мухлислар эътиборига ҳавола қилди.

Ёш рассом ижодида гуллар мавзуи алоҳида ўрин тутади. Кўргазмадаги асарларнинг ўттиз фоизи ўсимликлар дунёси ҳақида. Иқболнинг бу мавзудаги ишларини томоша қилган сайин, беихтиёр гуллар ифорига дуч келиб қолгандек бўласиз, гул қалбни уйғотувчи восита экани эсингизга тушади.

Рассом «Настарин», «Қизил фондаги оқ гуллар», «Сентябр гули», «Ойна олдидаги гуллар», «Сариқ гуллар натюрморти», «Астра», «Ёз гуллари» асарларида гулларни моҳирона тарзда теран, қандай бўлса шундай ҳолатда тасвирга кўчиришга уринган. Гуллар мавзуси Иқбол ижодининг биринчи босқичи ҳисобланади. "Ранг, бўёқ танлашда мукаммалликни, айниқса, гул чизиш жараёнида ўрганиш мумкин»– дейди Иқбол Илҳомов.

Рассомнинг анъанавий портрет жанридаги ишлари ҳам кўргазмага қўйилган. Амир Темур, Бобур, Коммуна Исмоилова, Чингиз Аҳмаров портретлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Озод Шарафиддинов портретида қаҳрамоннинг характери, ички дунёси юз-кўзларида аниқ ва тиниқ, теран акс этганлиги таҳсинга лойиқ.

— Озод аканинг портретини чизиш орзуим эди, —дейди Иқбол. —1993 йилнинг ёз ойларида водийдаги «Рапқон» санаторийсида учратиб қолдим. Аввалига домла менга ишонқирамади. У кишини шахмат ўйнаб турган пайтини чизганман. Ўшанда ҳадеб ютилаверганларидан, менга қараб «чорт побери» деяверганлар. Портрет қаҳрамонимнинг ўзларига ҳам хуш ёққан, кўнгиллари тўлган. Танқид эмас, аксинча, мақтов эшитганман, ўшанда.

Иқбол Илҳомов Заҳириддин Бобур сиймосини яратиш учун, айниқса, жиддий шуғулланган. Кўргазмадаги 15 та суратдан иборат композиция бунга мисолдир. «Бобурнинг Самарқандга келиши», «Соғинч», «Бобур ёшлиги», «Бобур ғазал ёзаётганда» номли картиналари профессионал даражада нозик дид билан ишланган. Бу ишлар ҳақида Бобур ижоди ва ҳаёти билимдони, ёзувчи Пиримқул Қодиров илиқ фикр билдирган. Иқбол ижодида тарихий мавзуга алоҳида эътибор берилганига сабаб, ўзи айтганидек, "тарих билимдон ўқитувчи, уни билган, англаганларга келажакнинг эшиклари очилади».

Кўргазмага қўйилган «Қиш манзараси», «Чорвоқ тоғлари», «Тоғда баҳор», «Куз» каби тасвирий ишлар рассомнинг сўнгги йиллардаги ижод маҳсули. «Қиш манзараси»да Фарғона водийсининг сўлим табиати тасвирланган; йўл, икки чети дарахтзор, қор ёғмоқда, қор қоплаган кимсасиз йўлда битта қарға тумшуғи билан ер ковлаб, насиба изламоқда. Рассом тириклик, яшашга иштиёқ фалсафасини табиат манзараси орқали англатишга уринган.

Европада рассомларга анъана тусини олган бир савол берилар экан: борлиқни картинада тасвирлаганингизда, у қанақа кўринишда бўлар эди.

Биз ҳам Илҳомга шу саволни бердик.

–Рассом нафақат кўз билан илғаганини қоғозга туширади, – дейди И.Илҳомов, – балки онг ва шуурида англаганини ҳам тасвирда жонлантиради. Борлиқни англаш бу – узоқ, машаққатли жараён...

**Мурод КАРИМ**

*Акс садо*

# ТЕАТР РЕЖИССЁР БИЛАН ТИРИК

Газетанинг шу йилги 8 март сонида чоп этилган «Театр: қувонч ва ташвишлар» давра суҳбати қатнашчилари саҳна санъатимизнинг долзарб масалалари хусусида фикр юритганлар. Марҳум адибимиз Х.Шайховнинг: «... театр ўртамиёна томошабин ортидан эргашаяпти ва ўзининг савияси ҳам шу даражага тушиб қолаяпти», деган хулосага келиши ниҳоятда тўғри. Д.Раҳматуллаева таъкидлаганидек кўпчилик вилоят театрларида, ҳатто баъзи пойтахт театрларида бош режиссёрнинг (бадиий раҳбар) йўқлиги, бор бўлса ҳам зарур даражада «кўринмаслиги» театрлар репертуари савиясини тушириб юбормоқда. Бош режиссёри бўлмаган театрда «драматург – режиссёр – актёр» ҳамкорлиги масаласи, кўпинча, жуда осон ечилади: чунки обрўли актёрлардан бири, албатта, ўзи ҳам драматург, ҳам режиссёр бўлиб қолади ва фақат «касса» учун ишлайди...

Замонавий қаҳрамон масаласига келсак, менимча, ҳаёт қарама-қаршиликларидан келиб чиқиб, уларни ҳаққоний ифода этиш керак. Қаҳрамонлар кечинмаларини оддий кишилар қалбидаги дардлар билан чамбарчас боғлаб, ундан драматик ҳаракат излаш керак. Хуллас, режиссёр изланиши лозим. Агар унга замонавий муаллифлар асарлари маъқул келмаса, классик асарларга, авваlроқ ёзилган пухта драматик асарларга қўл уриши мумкин. Театрларга четдан режиссёр таклиф этиш ҳам ишни ўнглашда қўл келиши мумкин.

Ҳозирги кунда ўттиздан кўпроқ театрларда ва театр студияларида ижод қилиб келаётган етук режиссёрлар ичида фақат О.Салимов, М.Равшанов (Сурхондарё), М.Вайл, Н.Абдураҳмонов, В.Умаров, Ш.Юсупов, И.Ниёзметов (Хоразм), А.Хўжақулиев (эркин ижодкор), У.Бақоев (Бухоро), А.Кудрецов (эркин ижодкор), Р.Маъдиев номларини айтиш мумкин. Қолган саҳналаштирувчи-режиссёрлар, педагог-режиссёрлар, актёр-режиссёрлар имкон қадар спектакл қўймоқдалар. Аммо уларнинг спектакллари асосан томошабиннинг залдаги иштироки учунгина қўйилаётганидек таассурот уйғотади. Баъзан бундай спектакллар режа бажарилишигагина хизмат қилади, холос. Айнан мана шундай спектаклларни мезон сифатида қабул қилиб, уларга тақриз ёзаётган баъзи ҳамкасбларимиз ўзларининг ўртамиёна савиясини ошкор қилиб қўймоқдалар. Очиғини айтганда, ҳозир профессионал театрларнинг аксарият спектакллари саёз, бўш, бачкана комедиялардан иборат бўлиб қолаяпти. Бу ҳеч кимга сир эмас. Эҳтимол, театрнинг молиявий режасини ҳам ҳисобга олиш керакдир. Бироқ мутахассис жамият манфаатидан келиб чиқиб фикр юритиши керак.

Одатда, театр—студиялар спектаклларининг савияси ҳаваскорлик драма тўгаракларининг маҳсулотидан узоққа бормайди, деган фикр юради. Лекин 25 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Илҳом» ва «Эски мачит» театр-студиялари спектакллари-чи? Ахир, уларни кўрган чет эл театр мухлислари ва мутахассислари юксак баҳо бермоқдалар-ку. Мутахассисларимиз учун бу янгилик эмас. Лекин баъзилар театр-студияларни менсимайдилар. Уларнинг муваффақияти сабабларини таҳлилий жиҳатдан назардан ўтказишни эса ўзларига гўё эп кўрмайдилар. Жаҳон театри тарихи шуни кўрсатадики, актёр ижроси негизида нафақат ўйин, балки драматик ҳаракат бор. Ҳ.Азимова тўғри айтганидек, «саҳна ҳаракатни ёқтиради». Лекин бу драматик ҳаракат ташқи ҳаракатланишдан фарқли ўлароқ сюжетни жонлантиришда катта рол ўйнайди.

Театр ривожининг сифат кўрсаткичлари ҳали ўрганилмаган жараён. Ҳисобот кўрсаткичлар ёрдамида, тахминан бўлса-да, аҳолининг театр спектаклларида иштирок этиш миқдорини аниқлаш мумкин. Лекин аҳоли онгига театр маданияти қай тарзда ва қанчалик сингиб кетганини аниқлаш қийин. Тўғри, ҳар бир спектаклга чипта сотиб олувчи одам томошабин саналади. Бироқ спектаклдан сўнг томошабинда театр санъатига иштиёқ уйғонса ва унинг маданий савиясига таъсир қилсагина, театр ўзининг ижодий вазифасини бажарган бўлади. Бизда эса ҳамон томошабинларнинг театрга келиш давоматининг ўсиши спектакл сифатига боғлиқ, деган тушунча ҳукмрон. Аншлагни (театрнинг томошабин билан лиммо-лим тўлиши) ҳамиша ҳам томошабиннинг спектакл бадиий фазилатларига тан бериши, деб тушунмаслик керак. Шу билан бирга, яхши спектаклнинг донғи чиқмаганлигини айни саҳна асари яхши тарғибот қилинмаганлиги, томошабиннинг келиши яхши ташкил этилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўтган аср бошларида француз саҳнасининг таниқли ислоҳотчиси А.Антуан куюниб шундай деганди: «Буюк асарлар бизда даромад бермаяпти. Мен Ибсен, Толстой, Шекспирни ёки ёш иқтидорли французларнинг асарларини қўйиб ўйнасам – театр зиён кўрмоқда. Ибсенни саҳналаштириб мен 80000 франк йўқотдим, Толстойни қўйиб – икки баробар кўпроқ. Барибир, тиришқоқлик билан икковини ҳам ўйнашни давом эттирмоқдаман. Менинг бўйнимда 200 меҳнаткаш ходим бор. Улар ишининг молиявий томонидан юз ўгириб бўлмайди. Шунинг учун мен чуқур маъноси бўлмаган, рақкосалар ўйнайдиган пиесаларни ҳам қўймоқдаман. Агарда афишада ашулачи ёки масхарабоз бўлса, театр тўлади».

Хуллас, театрларимиз кассабоп, «жозибали» комедиялар билан бирга, энг аввало, бадиий етук асарлар қўйишга асосий диққат-эътиборни қаратмас экан театрларнинг маданият ўчоғи сифатидаги мавқеига путур етади. Режиссёрлар ҳам, актёру томошабинлар ҳам шуни унутмаслиги керак.

**Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ,**
**санъатшунослик номзоди**

# МОДЕРНИЗМ — ЖЎН ҲОДИСА... ЭМАС

Боши биринчи бетда

–Албатта, модернизм бир турдаги жўн ҳодиса эмас. Модернистик оқимларни даб-дурустдан тушуниб олиш ҳам муайян қийинчиликларни туғдиради. Модерн ҳодисалари ҳамма вақтда ҳам санъат ва адабиёт ҳодисаларига биз берадиган таърифларга тўғри келавермайди. Бунинг устига бизнинг санъат ва адабиётга қарашларимизда жуда катта бир нуқсон бор: бизнинг назариямиз санъат ва адабиётдаги ранг-барангликни тан олмайди. У имкон борича, санъат ва адабиётнинг ҳамма тур ва ҳамма хилларига муштарак бўлган қонун-қоидаларни инкишоф этишга ҳаракат қилади. Масалан, шеърият ҳам, наср ҳам бадиий адабиётга киради. Лекин айни чоғда уларнинг орасида осмон билан ерчалик фарқ борлигини кўрмаслик мумкин эмас. Роман, қиссалар бобида ўйлаб чиқарилган қоидаларимиз лирика ва поэмага мутлақо тўғри келмайди. Худди шунга ўхшаш, адабиёт, рассомчилик ва музика ҳам «санъат» деган тушунча доирасига киради. Бироқ, шунга қарамай, улар инсоннинг руҳий фаолиятининг турлари эканлигидан бошқа ҳеч қандай муштарак томонларга эга эмас. Бинобарин, рассомлик талқини билан, музика, адабиёт талқини ўзаро кескин фарқ қилиши керак.

Мен бу гапларни шу маънода айтяпманки, асосий материали ранг ва бўёқ бўлмиш рассомлик соҳасидаги изланишлар, албатта, адабиёт соҳасида ҳам айнан такрорланиши мутлақо шарт эмас. Масалан, абстракционизмни олайлик. Абстракционизм – мавҳумлик дегани. Санъаткорлар ҳаётни ҳаёт формасида акс эттирмоғи керак, деган гапдан қочиб, уни бошқача тарзда ҳам акс эттириш мумкинлигини исботлаш учун мавҳум тасвирларга, яъни биринчи қарашда бирор-бир ҳаётий мазмунга эга бўлмаган тасвирларга кенг ўрин бера бошладилар. Лекин шуни айтмоқ керакки, абстракционизм элемент-лари фақат кейинги асрлардагина пайдо бўлгани йўқ. Унинг унсурлари Шарқ ва Ғарбнинг қадимги санъатидан истаганча топилади. Узоққа бормайликда, бир мисол келтирайлик. Ўзбекларнинг атласини жуда яхши биласиз. У камида минг йиллик тарихга эга. Билмайман, атласни санъатга йўйиш керакми йўқми. Бироқ имоним комилки, у юз фоиз абстракционизм асосига қурилган. Ундаги бир-бирига чатишиб кетган ранглар қандай ҳаётий мазмунга эгалигини билмайман, бироқ жилолари, товланишлари ҳаддан ташқари гўзал. Ўзбек атласининг ял-ял ёниши анча асрдан бери эркакларни ҳам, аёлларни ҳам бирдай завқлантириб келади. Худди шунингдек, ўзбекларнинг меъморчилик санъатида ҳам, ўймакорлик ва наққошлик санъатида ҳам мавҳумлик унсурлари кўплаб учрайди.

Лекин рассомлик санъатидаги абстракционизмни, менингча, оқизмай-томизмай адабиётга кўчириб бўлмайди. Адабиётда мавҳумлик кучайиб кетган ўринларда, мазмун ҳисобига шаклбозликка берилган жойларда, инсон муаммолари чекланиб қолган жойларда катта муваффақиятга эришиш қийин.

**–Бизда модернизмни тушуниб (тушунмай ҳам) инкор этувчилар бор. Ва айни пайтда бу йўналишни жаҳон санъати ва адабиётидаги илғор тенденция сифатида қабул қиладиганлар ҳам учрайди. Мана шу икки хил қарашларга Сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдик.**

–Мен шу кунларда буюк инглиз ёзувчиси Жон Голсуорсининг адабиёт ҳақидаги айрим мақолаларини таржима қилаяпман. Бу мақолалар 1930 –1931 йиллар, адиб ҳаётининг сўнгги даврида ёзилган. Бу даврда адабиётда модернистик изланишлар анча авж паллага кўтарилган эди, китобхонлар ўртасида уларни ёқловчилар ва анъанавий адабиётни буткул рад этувчилар кўпайиб қолган эди. Бошқача айтганда, модернистик адабиёт модага кирган эди. Модага кирган нарса тўғрисида танқидий фикр айтиш жуда қийин. Тафаккуримизнинг ожиз томонларидан бири худди шунда кўринади. Биз кўпчилик мақтаётган асарни ўқиб тушунмасак ҳам, бизга сира маъқул бўлмаган бўлса ҳам, ҳаммага эргашиб мақташга тушамиз. Бунда «қиролнинг янги кўйлаги» синдроми амал қилади. Асарни мақтаётган кўпчилик доно бўлсаю, мен уни тушуна олмайдиган ақли ноқис бир одам бўлсам...

Голсуорсига тан бериш керак. У бир неча мақоласида одамларнинг таънасидан қўрқмай, ҳамма томонидан мақталаётган модернистик асарлар ҳақида танқидий фикр айтади. Бу асарларни 30 йилдан кейин ҳамма унутиб юборади, дейди. Эҳтимол, Голсуорси ўзининг бу фикрида тўла ҳақ эмасдир. Жумладан, романлари «оилавий ҳаётнинг қомусидан иборат» (Голсуорси) М.Пруст бугун унутилгани йўқ. Лекин, менимча, Голсуорси бир нарсада ҳақ: у адабиётнинг моҳиятини инсон характерини яратишда, деб билади. Марказда инсоннинг тақдири турмаган, унинг ҳаёт йўлларидаги драматик ва фожиали изланишлари акс этмаган асарлар умрбоқий асарлар бўла олмайди. Фақат Голсуорси эмас, модернистик адабиётга унчалик рўйхушлик билдирмаган бошқа адиблар ҳам кўп.

Лекин на Голсуорси ва на бошқа Ғарб ёзувчилари модернизмни танқид қилар эканлар, санъаткорнинг шакл ва услуб бобидаги изланишларига, тажрибалар ўтказиш бобидаги ҳуқуқларига заррача шубҳа қилган эмаслар. Умуман, фақат XX аср бошида эмас, бошқа даврларда ҳам ёзувчилар инсон характерини чуқуррoқ ва жозибалироқ қилиб тасвирлаш йўлидаги изланишлардан тўхтаган эмаслар. Агар биз бундай изланишларни замон талаби билан қилинган модернистик изланишлар деб тан олсак, модернизмни жаҳон адабиёти тарихининг исталган давридан топиш мумкин. Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэл» деган машҳур романи ёки Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» ҳақидаги қиссаси, Гоголнинг «Миргород» туркумига кирадиган асарлари ва яна ўнлаб асарлар бу фикрнинг далилидир.

Шўро адабиётида ҳам таъқиқлар ҳар қанча кучли бўлмасин, айрим ёзувчилар янги шакллар излашдан тўхтаган эмас. Фақат бу ёзувчиларнинг ижодида модернистик изланишлар ё фантастик элементлар орқали ёки сатира ва юмор ёрдамида ифодаланган. Жумладан, машҳур М.Булгаков «Итюрак» номли қиссасида бир профессорнинг тажрибалари туфайли итдан одамга айланиб қолган шахснинг партияга кириши ва катта идораларда ишлаб, итларга хос ҳаракатлар қилишини жуда ёрқин очган. Ёки ёзувчи В.Войнович 70-йилларда яратган «Аскар Чонкин» қиссасида шўроча кўр-кўрона садоқатнинг авра-астари ағдарилган. Албатта, бу асарларнинг ҳеч қайсиси ҳукмрон мафкура дарғаларининг бирортасига ёққан эмас. Чунки шўролар замонида «доҳийлар»-га маъқул келадиган ёзувчиларгагина кенг йўл бериларди. Бундай ёзувчилар шаънига танқидий гап айтиш, уларнинг ижодидаги нуқсонларни кўрсатиш мумкин эмасди. Бундай ёзувчилар қолган ҳамма ёзувчиларга ўрнак сифатида кўрсатиларди ва гўё уларнинг асарларига ўхшатиб ёзишга даъват қилинарди. Масалан, Горкий – шўро адабиёти асосичиси, Маяковский – даврнинг энг атоқли шоири, бинобарин, ҳамма ижодкорлар улардан ўрнак олиши керак эди. Кўп вақт ўтмасдан бундай адабиётнинг миси чиқди. «Шўро адабиёти» деб аталган адабиёт айрим мустасноларданқатъий назар, жуда ғариб, жуда нимжон, рангсиз, қуруқ, бетаъсир адабиётга айланиб қолди. Натижада миллионлаб одамларнинг адабиётдан ихлоси қайтди, китоб ўқимай қўйишди.

**–Биздаги баъзи адабиётшуносларнинг фикрича, ўтган асрнинг бошларидаёқ ўзбек адабиётининг истеъдодли вакиллари модерн адабиётидаги шаклий изланишларга катта ҳавас билан қарашган экан. Кейинчалик уларнинг бу йўналишдаги ижодий тажрибалари тўхтаб қолган. Сиз шу фикрни тасдиқлайсизми?**

–Ҳақиқатан ҳам, 20-30-йилларда ўзбек адабиётида ҳам муайян модернистик изланишлар бўлган. Бу, жумладан, Ойбек, Миртемир, Чўлпон ижодларида кўринади. Ойбекнинг дастлабки шеърларида модернистик изланиш ҳис-туйғуларининг таҳлилига жуда кенг ўрин берилганида кўринади. Миртемир биринчи китобида ҳаёт завқини тизгинсиз пафос билан ифодалашга интилади. Афсуски, унда меъёр бузилгани учун пафос кўп ўринларда оддий баландпарвозликка айланиб кетади. Чўлпон эса «Кеча ва кундуз» романида, айниқса, Зебо устидан суд эпизодлари тасвирланган ўринларда ўша воқеаларнинг абсурдлигини жуда ёрқин ифодалаган. Ифодалаганда ҳам қуруқ сўзлар билан эмас, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари билан ифодалаган. Афсуски, ўзбек адабиётидаги бундай изланишлар ўз вақтида танқидчилик томонидан қўллаб-қувватланмади ва натижада давом эттирилмай қолиб кетди.

**–Кейинги йилларда, асосан, ёшлар ижодида модернистик оқимга мансуб асарларга ҳавас анча кўзга ташланиб қолди. Айрим ижодкорлар фикрича, бу жараён эндиликда шунчаки тақлид доирасидан чиқиб, муайян бир кўриниш олаётир. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?**

–Бугун адабиётимиз янгича шароитда яшаб ижод этмоқда. Аввалги таз йиқлар ва таъқиқлар ҳозир йўқ. Энди ёзувчи ва шоирлар бадиий шакл ва услуб борасида жуда кенг кўламларда изланишлар олиб боришлари мумкин ва олиб боришаётирлар ҳам. Жумладан, бугунги адабиётимизда драматург Шароф Бошбеков ижодида, шоир Абдулла Ориповнинг айрим асарларида, Омон Мухторнинг романларида, Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарида, нисбатан ёш шоир ва ёзувчилар Назар Эшонқул, Хайрулло, Баҳром Рўзимуҳаммад, Гўзал Бегим, Олима Набиева ижодларида буни кўриш мумкин. Лекин мен бир нарсадан огоҳ этиб қўймоқчиман: изланишлар бобида эҳтиёт бўлмоқ керак, негаки, янги нарса ҳамма вақт ҳам фақат янгилиги учунгина яхши бўлавермайди, шунингдек, эски нарсани ҳам фақат эскилиги учун «пуф, сассиқ»қа чиқариш мумкин эмас. Мен ҳамма ёзувчилар аскар болалардай қадди-қомати бир-бирига ўхшаган олачипор форма кийиб олсин, демоқчи эмасман. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, биз реализм деб баъзан кесатиқ билан, баъзан киноя билан, баъзан ғашлик билан тилга оладиганимиз – услуб ҳали унча қариб қолгани йўқ. Айниқса, бизнинг ўзбек адабиётимизда. Бизнинг адабиётда реализм шаклланаётганига эндигина бир аср вақт бўлди. Эҳтимолки, бу вақт ичида реализмнинг бор-йўғи ўн гулидан бири очилгандир.

Мен яқинда Улуғбек Ҳамдамовнинг «Мувозанат» деб номланган янги романини ўқиб чиқдим. Бу роман, бир-икки эпизодини ҳисобга олмаганда, том маънода анъанавий услубда ёзилган. Эҳтимол, «бир-икки эпизод» модернистик характерда бўлиб, китобхоннинг кўнгилхушлиги учун киритилгандир. Уларда баъзи бир персонажларнинг ишқий можаролари яланғочроқ ифодаланган. Лекин яхлит олганда роман менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Унинг воқеалари бизнинг кунларда, бизнинг юртимизда содир бўлади. Роман қаҳрамони олий ўқув юртида тарихдан дарс беради. Лекин бозор муносабатлари бу одамни чирпирак қилиб учиради. Унинг изтироблари, бошига тушган кулфатлар панжасидан қутилишга интилишлари, йўл излашлари, чора қидиришлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Романни ўқиб чиқар эканман, бугунги кун одамини тасвирлашда ҳали реализмнинг очилмаган имкониятлари кўп эканига имон келтирдим. Демак, гап бу ерда реализмда ёки модернизмда эмас. Гап санъаткорда, унинг тафаккурида ва маҳоратида. Адабий асар эса чинакам асар намунаси бўлмоғи учун, реализмга мансуб бўладими, романтизм услубида ёзилган бўладими, ёки қандайдир бошқа модернистик услубга амал қиладими, барибир, яна такрор айтаман, унинг марказида инсон турмоғи керак, китобхон инсоннинг тақдири, табиати, ҳаёти ҳақида муайян ахборот олиш билан бирга бу асардан эстетик завқ ҳам ола билсин.

**–Модернизм оқимига мансуб деб қаралган асарларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик мумкин. Бу ҳар бир олим ёки китобхоннинг ихтиёрида. Мен Сизнинг бу масалага шахсий муносабатингиз, хоҳланг олим, хоҳланг китобхон сифатида, бироқ хусусий муносабатингизни билсам дегандим...**

–Шахсан мен ўзим шу пайтга қадар адабиётдаги модернизмга ўзимнинг муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман. Баъзи бир модернистик асарларни, айниқса, юморга йўғрилган асарларни (Санислав Лем, Рей Бредбери) завқ билан енгил ўқийман. Фолкнер, Жойс, Пруст каби адибларнинг асарларини эса ўқишда қийналаман. Ҳатто баъзан уларнинг асарларини ярмидан ташлаб қўйган ҳолларим ҳам бўлган.

Лекин шунга қарамай, мен бу ёки бу каби бошқа ёзувчиларни ҳечам қораламайман. Эҳтимол, гап ёзувчида эмас, балки менинг дидимда, савиямдадир. Ҳар ҳолда, фақат менга ёққани ёки ёқмаганига қараб бирор асарни рад этиш ёки улуғлаш мумкин эмас.

Яна бир мисол келтираман. Мен бадиий тасвир санъатини, расмларни яхши кўраман. Дунёга машҳур мусаввирларнинг полотноларини ҳамма вақт завқ билан томоша қиламан. Лекин ўзимни тасвирий санъат асарига баҳо берадиган ҳакам деб мутлақо ўйламайман. Малевич деган рассомнинг асримиз бошларида ишлаган бир сурати бор. Бу «Қора квадрат» деб аталади. Унда чиндан-да тим қора квадратдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Худо ҳаққи, мен шу пайтгача бу суратнинг нима маъно англатишини тушунганим йўқ. Лекин буни қарангки, ана шу мен тушунмаган асар санъат бозорида миллиондан кўпроқ доллар турар экан. Мен, албатта, миллион долларим бўлса, уни нимага сарфлашни ўзим билардим. Лекин шунга қарамай, ўша асарни харид қилган одамларни қоралашим инсофдан бўлмайди-ку!

Хуллас, модернизм муносабати билан қилган гурунгимиздан фақат битта хулоса чиқаргим келади: яшасин эркинлик, йўқолсин қолиплар!

**Суҳбатни Аҳмад ОТАБОЕВ ёзиб олди**

## ҲОЖИАКБАР ШАЙХОВ



Шафқатсиз ўлим таниқли ёзувчи, муҳаррир ва ношир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Ҳожиакбар Шайховни 57 ёшида орамиздан олиб кетди.

Ҳожиакбар Шайхов 1963 йилда Тошкент шаҳрида ўрта мактабни битиргач, Тошкент Политехника институтининг энергетика факултетига ўқишга кирди. Унинг бадиий ижодга бўлган қизғин ҳаваси кейинчалик етук ёзувчи сифатида шаклланишига асос бўлди.

Ҳожиакбар Шайхов серқирра ва самарали ижодий фаолияти давомида кўплаб илмий-оммабоп ва илмий-фантастик ҳикоялар, қисса ва романлар яратди. «Ғаройиб кўланка», «Рене жумбоғи», «Олмос жилоси» сингари асарлари кенг китобхонлар орасида шуҳрат қозонди, жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинди.

Ҳожиакбар Шайхов ўзбек адабиётида фантастика жанрининг асосчиси сифатида эътироф этилган. АҚШда нашр қилинган жаҳоннинг энг етук фантаст ёзувчилари ҳақидаги энциклопедияга ўзбек адабиётининг вакили сифатида айнан Ҳожиакбар Шайховнинг номи киритилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Адибнинг кейинги йилларда яратган «Туташ оламлар» трилогияси мустақиллик даври адабиёти ривожига қўшилган муносиб ҳисса бўлди.

Ҳожиакбар Шайхов асарларида инсонийлик ғоялари, эзгулик, олижаноблик ва дўстлик туйғулари тараннум этилган.

Ҳожиакбар Шайхов узоқ йиллар мобайнида ношир ва муҳаррир сифатида самарали хизмат қилди. Айниқса, мустақиллик йилларининг янги нашрларидан бўлган «Сирли олам» журнали ҳамда «Қалб кўзи» газетасини чоп этишда ёзувчининг муҳаррирлик ва ташкилотчилик истеъдоди яққол намоён бўлди.

Кейинги йилларда Ҳожиакбар Шайхов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган эди.

Ҳожиакбар Шайховнинг ўзбек миллий адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари юксак баҳоланган, унга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган.

Олижаноб инсон, садоқатли дўст, заҳматкаш адиб Ҳожиакбар Шайховнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

## «ЧАЁН ЙИЛИ» ОЛМОН ТИЛИДА




Таниқли адиб Учқун Назаровнинг «Чаён йили» романи китобхонларимиз томонидан яхши кутиб олинган, асар ёзувчи ижодида жиддий ютуқ ҳамда замонавий ўзбек романчилигида сезиларли воқеа бўлгани эътироф этилганди. Романда асосан иккинчи жаҳон уруши даврида рўй берган ҳодисалар қамраб олинган, шунингдек, асримиз бошидаги воқеалар ҳам эсланади, 20-йиллар, 37-йил даҳшатлари тасвирланади.

Яқинда Германиядан хушхабар олдик: Учқун Назаровнинг «Чаён йили» романи Берлиндаги «ДАИ» нашриётида чоп этилибди. Асарни ўзбек тилидан олмон тилига таниқли олима Ингеборг Балдауф таржима қилган.

Шу йилнинг 16 апрелида Берлин шаҳридаги «Бутун дунё маданиятлари саройи»да роман тақдимотига доир тадбир бўлиб ўтди. Тақдимотда асар муаллифи ҳам иштирок этиб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Германияда чиқадиган «Франкфурт алгемайне», «Таген цайтунг» сингари нуфузли газеталарда, радио эшиттиришларида адибимизнинг суҳбат ва интервьюлари эълон қилинди.

## *Доимий ҳамроҳ*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан иқтисодий, маданий, сиёсий соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Жамият ҳаётидаги бу ўзгаришлар ўзбек халқининг тилида ҳам ўз ифодасини топди. Илгари қўлланиб келинган бир қанча сўзларнинг маъно тузилишида ўзгаришлар рўй берди. Ўзбек тилининг луғат таркибида бундай ўзгаришларнинг амалга ошиши, табиийки, 1981 йили нашр қилинган ва собиқ совет тил сиёсатини ўзида тўла намоён қилган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни маънавий жиҳатдан эскиртирди. Шу муносабат билан кўп жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» яратилмоқда. Албатта, бу жараён узоқ муддатни талаб этади.




Ўзбек тилига мустақиллик шарофати билан кириб келган сўзларнинг маъносини билишга аҳоли ўртасида қизиқиш катталигини ҳисобга олиб, Марказий Осиёга беғараз ёрдам «CAFE» ташкилотига қарашли Андижон Тараққиёт маркази Андижон Давлат университети олимлари билан биргаликда қисқа муддатда бир жилдли «Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati»ни тайёрлаш ва нашр этиш лойиҳасини тузди. Бу лойиҳа халқаро Очиқ Жамият Институти (Soros) фонди томонидан маъқулланди ва уни амалга ошириш учун маблағ ажратилди. Очиқ жамият институти луғатнинг бир қисмини нашрдан чиқаришга ҳам ҳомийлик қилди.

## *Бадиият ва назария*

# ТЎРТИНЧИ АДАБИЙ ТУР

**Баҳодир САРИМСОҚОВ**

Адабий ҳодисаларни муайян нуқтаи назардан тасниф этиш адабий-эстетик тафаккур ривожи учун муҳимдир. Бинобарин, ҳар қандай илмий тасниф инсон ақл-идроки тадрижи, тараққиётидан далолат беради. Барча амалий ҳамда назарий фаолиятлар моҳиятини англаш таснифнинг қай даражада ҳаққонийлиги, ўзига хослиги билан боғлиқ. Хусусан, бадиий сўз олами инсоннинг воқеликка объектив муносабати ҳосиласи ҳисобланади. Мужодала қонунияти асосида яшаб келаётган инсоният бирор-бир илмий-назарий талқинни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қила олмаслиги, табиийки, мазкур фикр бугунгача мутлақлаштириб келинаётган адабий турлар таснифига ҳам тегишлидир. Шу нуқтаи назардан ҳозирга қадар адабиётшунослик тажрибасида истифода этилаётган тасниф – эпос, лирика ва драмадан иборат адабий турлар икки жиҳатдан ноқис бўлиб қолди. Биринчидан, мавжуд адабий жанрларнинг барчаси бу уч адабий тур доирасига сиғмайди. Қолаверса, ички ва ташқи структураси жиҳатидан мавжуд уч адабий тур мезонларига сиғмайдиган жанрларни мустақил адабий ҳодиса сифатида баҳоламаслик илмда нохолислик ҳамда турғунликни келтириб чиқаради. Иккинчидан, мавжуд ҳолат кўп ҳолларда бир қанча адабий фактларнинг назарий адабиётшунослик эътиборидан четда қолишига сабаб бўлмоқда. Демак, Аристотел томонидан амалга оширилган тасниф ҳозиргача ўзгармай, адабий жараёнда бир қадар сақланиб келаётир. Бу нимадан далолат беради? Бизнингча, бундай «барқарорлик» нафақат ижобий, балки табиий ҳам эмас. Чунки инсоният даҳоси Аристотел кашф этган уч адабий тур доирасига сиғмайдиган жанрларни аллақачон – буюк файласуф замонасидан минг йиллаб олдинроқ яратиб қўйган. Бундай жанрлар тизими эса махсус адабий тур инкишофини талаб этади.

Масалага маънавий-тарихий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, ўтмишда яратилиб, бугунгача яшаб келаётган фикр-қарашларни қадрлашимиз, холис баҳолашимиз зарур. Бироқ уларни ортиқча мутлақлаштириш диалектик қонуниятга зид келишини ҳам унутмаслигимиз лозим. Шунингдек, ҳар қандай тушунча ва қарашларга муайян илмий-назарий муносабат эстетик тафаккур тарихида ҳамма замонларда мавжуд бўлган ҳамда ҳеч қачон шаккоклик ҳисобланмаган. Фан, бадиий тафаккур тарихи бунга гувоҳ. Чунки ҳар қандай тўғри фикр иккинчи, ўзидан тўғрироқ фикрнинг туғилишига сабаб бўлади. Шу боис ҳам муайян миллат доирасида яратилган янгилик умумбашарий янгиликлар билан диалектик алоқадорликда туғилади. Буюк немис мутафаккири Гётенинг: «Ватанпарвар санъат ва ватанпарвар фаннинг ўзи йўқ. Униси ҳам, буниси ҳам энг юксак ва эзгу нарсалар сифатида бутун дунёга тааллуқлидир», деган сўзлари айни ҳақиқатдир.

Аристотел таснифи жуда кўп зиддият ва қайтариқларга тўла бўлса-да, кейинги давр адабиётшунослари томонидан ягона тасниф ўлароқ талқин этилмоқдаки, буни биргина «Поэтика»га доир тадқиқотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай тадқиқотларнинг бирор ўрнида биз паремия адабий турига нисбат бераётган мақол, матал, топишмоқ, афоризм, максима, образли иборалар, парадокс, гнома, муаммо, таърих каби жанрлар ҳақида мутлақо фикр юритилмаганининг шоҳди бўламиз. Ҳолбуки, Аристотелнинг буюк замондоши Платон кўплаб афоризмлар ижод қилган ва улардан асарларида ўрни билан фойдаланган. Шундай экан, Платон ижодининг бутун сир-асрорларини чуқур билган Аристотелдек олим у яратган афоризмлардан, унга маълум бўлган мақоллардан бехабар бўлиши мумкин эмас. У ҳолда нега Аристотел ўзининг машҳур «Поэтика»сида паремик жанрларга умуман аҳамият бермаган?

Изланишлар мазкур саволга талай жавоблар мавжудлигини кўрсатади. Бироқ, бу ўринда, улардан фақат бир нечтасини келтириш кифоя, деб ўйлаймиз. Биринчидан, Аристотелнинг «Поэтика»си бизга тўла ҳолида етиб келмаган. Антик дунё эстетикаси билан умр бўйи шуғулланган йирик олим А.Ф.Лосевнинг фикрига кўра, бу асарнинг атиги тўрт қисми бизгача етиб келган. Бунинг устига мазкур нусха ҳам оригинал эмас. Мана шу жиҳатдан қаралса, ҳозирга қадар ягона адабий-назарий манба сифатида фойдаланиб келаётганимиз «Поэтика»нинг мавжуд нусхаси аслми ёхуд ўзга шахслар томонидан палапартиш кўчирилган нусхами, деган савол ўз ечимини топмаган. Агар «Поэтика» ҳақидаги ушбу мулоҳазаларга асослансак, табиий равишда қуйидаги назарий тахминлар келиб чиқади: а) Аристотел ўз таснифида паремик жанрларнинг, жилла қурса, муайян қисмига эътибор қаратган, аммо асар тўлиқ етиб келмагани сабабли бу нарса бизга номаълумлигича қолмоқда; б) ёки Аристотел паремик жанрларни ўз таснифи доирасига киритмаган. Боиси у бундай асарларни соф адабий-эстетик ҳодиса сифатида қабул қилмаган.

Юқоридаги фикрларимизни тўлдириш мақсадида Аристотелнинг бошқа асарларига ҳам мурожаат қилдик. Натижада иккинчи тахминимиз ҳақиқатга яқинроқ эканни аёнлашди.

Аристотел 347—335-йилларда Академиядан кетар экан, диалог шаклидаги «Философия ҳақида» номли асарини ёзади. Асарда у мифлар ва эрон халқлари донолиги билан боғлиқ муаммоларни ўрганади ва инсоният ақл-идроки ва тажрибаси натижасида юзага келадиган донолик жанрларини эса ҳеч иккиланмасдан поэтикага эмас, балки фанга – фалсафага нисбат беради. У мақоллар ҳақида сўз юритар экан, тўғридан-тўғри уларни «қадимги фалсафа қолдиқлари» деб талқин этади. Ушбу далиллар бизни иккита тўғри ва энг муҳим хулосага олиб келади. Биринчи хулоса шуки, Аристотелнинг паремик жанрларни адабий турлар таснифига киритмаганига сабаб, уларни ўз даври эстетик тафаккури нуқтаи назаридан тўла маънода поэтик ҳодиса деб ҳисобламаган. Иккинчидан, буюк файласуф яшаган замонларда ҳали кўпгина адабий жанрлар фалсафа таркибидан ажралиб, мустақил бадиий ҳодиса сифатида намоён бўлмаган эди. Аристотел замонасидан бугунга қадар кўп сувлар оқиб ўтди. Улкан дарёлардан мўъжаз дарёчалар, улардан эса ирмоқлар ҳосил бўлди, ҳар бир янги пайдо бўлган оби-ҳаёт йўли ўз номи билан атала бошлади. Шундай экан, Арис тотел фалсафа деб атаган паремик жанрларнинг бугунга келиб мустақил поэтик ҳодиса сифатида эътироф этилиши қонуният деб қабул қилиниши ҳеч кимни ҳайрон қолдирмаслиги керак.

Моҳият эътибори билан Аристотелнинг паремик жанрларга муносабати муаммонинг бугунги ечимига ёрдам беради, холос. Чунки сўз санъатининг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклларида паремик шакллар ўзига хос бадиият ва образлилик жиҳатидан бошқа жанрлардан қолишмаслигини таҳлиллар аниқ кўрсатмоқда. Шунга қарамай, паремия адабий тури кейинги адабиётшунослар, эстет ва файласуфлар томонидан осонгина эпос турига киритиб юборилаверган. Адабий турлар масаласига анъанавий қараш Гегел замонасида ҳам, В.Белинский замонасида ҳам давом этди. Жумладан, В.Белинский адабий турлар ҳақида тўхталиб, шундай ёзган эди: «Поэзиянинг ҳамма турлари мана шулардир. Улар фақат учта, бундан кўп бўлиши мумкин эмас. Аммо ўтган асрнинг адабиёт қоидаларида ва адабиётларида яна бир қанча поэзия турлари бор эди. Улар орасида дидактик ёки ахлоқий асарлар, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлган. Катта-катта поэмаларда деҳқончилик, чорвачилик, астрономия, ҳисоб, ҳатто кийим тикиш ҳунарини ҳам ўргатганлар. Бу тур қадим замонда санъат пастлаб кетгач, пайдо бўлган. Одатда, поэзия йўқолса, унинг ўрнини нақлчилик олади.

Бироқ дидактик поэзиянинг борлигини биз ҳам қабул қиламиз, фақат дидактикани биз поэзия тури каби эмас, балки поэзия характери сифатида қабул қиламиз ва уни эпик турга киритамиз. Бизнинг фикримизча, «дидактика» деган сўз ҳам, масалан, объектив ва субъектив каби хусусият ҳамда характернинг ифодасидир».

Ана шу мақоланинг сўнгида у яна қуйидагиларни илова қилади: «Эски замонда тавсифий поэзия деган нарса ҳам бор эди. Боғчаларни, жой мавзеъларини, йил мавсумларини ва ҳоказоларни тавсиф этишга катта-катта поэмалар бағишланар эди; бундай поэмаларни статистик поэзия деб аташ дуруст бўлар эди. Аммо бу бемаъни нарса, рад қилишга ҳам арзимайди. Поэзия тавсифлар билан эмас, балки картиналар ва образлар билан сўзлаши керак; поэзия буюмни тавсиф этмайди ва ундан кўчирма олмайди, балки уни яратади».

Ниҳоятда оқилона фикр. Бу хилдаги асарлар жаҳон халқлари қатори Шарқда, хусусан, ўзбек адабиётида ҳам бор. «Уржуза» деб аталувчи илмий асарлар, турли касб-ҳунар этикетларини тавсиф этувчи шеърий шаклдаги рисолалар, муайян ахлоқ-одоб нормаларини тарғиб ва ташвиқ этувчи дидактик, илми нужум ва астрологияга бағишланган кўплаб асарлар ана шулар жумласидан бўлиб, биз ҳам бундай асарларни бадиий адабиётга дахлдор дейишдан йироқмиз. Аммо ҳайратли даражада образли, бир пайтнинг ўзида киши ҳиссиёти ва ақлига таъсир кўрсатувчи бадииятга эга бўлган мақол, матал, топишмоқ, афоризм, максима, парадокс ва гномлар, фраземалардан иборат паремия адабий тури В.Белинский қайд этган асарлардан мутлақо йироқ.

У ҳолда нега В.Белинский даҳо фикрлар ташувчи, инсоннинг ҳам ҳиссий, ҳам ақлий, ҳам руҳий дунёсига таъсир кўрсатувчи паремик жанрларни эпик турга мансуб, дейди? Ахир, бу турдаги бирор-бир жанрнинг ё эпик, ё лирик ёки драма турига дахли йўқ-ку?! Бизнингча, бунинг асосий сабаби шундаки, В.Белинский ушбу масалада ўзигача бўлган эстетик фикрлардан ташқарига чиқа олмаган. Аниқроғи, бу масалада у немис олими Гегел қарашлари таъсирида бўлган ва адабий турлар таснифида унинг изидан борган. Чунки Гегел ўзининг эстетик концепциясида қадимги гномларни, турли бинолар пештоқига ёки буюмларга ёзилган эпиграммаларни эпик жанрга тааллуқли деб ҳисоблаган.

Фанда, айниқса, назарияда, тайёр қолиплар, концепциялар изидан юриш осон ва кўплар учун мароқли ҳамдир. Бироқ бу нарса мавжуд назарий қарашларни мутлақо ривожлантира олмайди. Ҳар бир мутахассис ўзигача мавжуд қараш ва концепцияларни синчиклаб ўрганса, керак бўлса, лозим топилган ўзгаришларни киритсагина, ривожланиш бўлади. Мана шу мантиқдан, айниқса, мавжуд адабий фактлар табиатидан келиб чиқиб, жаҳон адабиётида тўртинчи адабий тур бор ва у паремия деб аталади, деган фикрни илгарига сурамиз. Бинобарин, паремия адабий турига хос умумий хусусиятларни ҳам қисқача қайд этишга ҳаракат қиламиз.

Паремия адабий турига хос хусусиятлардан биринчиси шуки, бундай асарлар кўпчиликнинг ҳаётий тажрибалари асосида юзага келган доно фикрлардан иборат. Шу боис бундай асарларни қабул қилишда ҳам юксак эстетик дид ва донолик талаб қилинади.

Иккинчидан, паремик асарда конкрет инсон ёки ҳаётий воқелик ҳақида сўз юритилмайди. Унда умуминсоний аҳамиятга молик фавқулодда доно фикрлар образли ифода этилади. Шу сабабли паремик асарнинг хронотоп қамрови уч замон ва тўрт макон доираси каби кенгдир.

Учинчидан, паремик асар ихчам, нисбатан барқарор поэтик кристал шаклга эга. Айрим паремик жанрларда, хусусан, афоризмларда фавқулодда доно фикр, кристал поэтик шакл мавжуд бўлса ҳам, уларда индивидуаллик излари сезилиб туради.

Паремия адабий тури муайян миллий адабиёт билан чегараланмайди, у жаҳон адабиётига хос ҳодисадир. Ҳар бир миллий адабиётда ушбу туркумга мансуб адабий жанрлар доираси ҳар хил. Ўзбек адабиёти мисолида олиб қаралса, матал, топишмоқ, образли юмуқ иборалар, парадокслар, муаммо, таърих, фард, афоризм каби жанрлар бевосита паремия адабий турига тааллуқлидир.



Сирожиддин САЙЙИД

# ДИЛИМНИНГ ШУ ТУПРОҚДА ОЧИЛГУВЧИ ГУЛИ БОР

## ТУҒИЛГАН ЕР

Қуёш сиғмас ҳовлига,
Томлар узра йўли бор.
Зардолигнинг болида
Қизчаларнинг тили бор.

Ҳар бир сўринг, ҳар кўчанг
Момоларимдай ўйчан.
Бобомдайин букчайган
Токларингнинг бели бор.

Мен босганча манглайим,
Кўлим билан тингладим,
Дилим билан англадим:
Тошларингнинг дили бор.

Чўнтакларим – хаёллар,
Ичи тўла шамоллар.
Уларда алифболар,
Дарсликларим пули бор.

Мактаб боғи яйрайди,
Дафтаримга қарайди.
Ҳар бир барги сайрайди,
Боғининг булбули бор.

Дилда недир улғаяр,
Шоир бўлиб кетсам гар,
Бунга шу дашту қирлар,
Осмонларнинг қўли бор.

Ҳали қанчалар ҳижрон
Мени қилгайдир меҳмон.
Юзингизда, онажон,
Ёмғирлари, сели бор.

Мен юрсам-да йироқда,
Ҳар баҳор бир фироқда
Дилимнинг шу тупроқда
Очилгувчи гули бор.

* * *

Ҳазрати Хизрдай
Оппоқ булутлар.
Нигоҳбоним, диёр,
Кундуз ҳам тунда.
Бу тупроқда ўтган
Барча улуғлар
Азиз тупроқ бўлиб
Ястанмиш шунда.

Авайлаб сўйлатсанг
Хазон баргини,
Етти иқлимларга
Ривоят бергай.
Дил кўзига суртсанг
Тупроқ гардини,
Юз минг дил аҳлидан
Ҳикоят бергай.

Гарчи фалак чархи
Мақбаралардан
Нақшлар кеткизган,
Ранглар кеткизган.
Кўнгли ҳам, жисми ҳам
Садпоралардан
Зангиоталари
Занглар кеткизган.

Минг йиллик каломлар
Тўкилар тунда
Чинор шохларидан
Чироқ қўйгандай.
Энг етук шеъринг ҳам
Туюлар шунда
Онангнинг юзига
Оёқ қўйгандай.

## ТАРИХ

Ҳали Бобур олисда,
Бобур унда ёш маҳал.
Ҳали ғариб Ҳиндистон –
Қурилмаган Тожмаҳал.

Само – сўнгсиз хавотир,
Тийрамоҳ – тийра лашкар.
Темурийлар чинорин
Барглари сийраклашган.

Мироншоҳ йўқ. Улуғбек
Самарқандда қўйилган.
Бадиуззамон қайда?
Мўмин Мирзо сўйилган.

Нечун Ҳирот устида
Осмон қаро, ой қаро?
Ҳадичабегим дилгир,
Уйғоқ ётар Бойқаро.

Салтанат – ранги аста
Сўнаётган жавоҳир.
Олтмишга кирмоқдалар
Мир Алишер Навоий.

## ТЎРТ СЎЗ

«Нега ерга қарайсан, Раъно?»
Бу сўзларда минг йиллик маъно.
Соф муҳаббат, покиза сиймо,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Ерга тегиб турган киприклар,
Иффат экиб турган киприклар,
Қодирийнинг армоними ё,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Назокатми, нозми, хижолат,
Малоҳат, ё тилсиз ибодат?
Ўнг келмоқдан чўчиган рўё,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Сен – беозор, ҳуркак бир кийик,
Елканг узра рашк, риё кийиб,
Тишин қайрар жодугар дунё,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Армон қилар кейин бир миллат,
Сен – бир ибрат, гўзал бир миннат.
Минг йил шундоқ қолурсан танҳо,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

Нега ерга қарайсан, Раъно?
Ишқ, вафонинг сўлмас баҳори?
Сен – ҳаённинг мангу ёдгори,
Нега ерга қарайсан, Раъно?

## ЭСКИ ТАШБЕҲ

Нола қилди най бўлиб қирқ йил қамиш,
Оҳларимдан, ёр, келиб қирққил қамиш.

Қирқ қамишдай қийма-қийма қирқ йилим,
Бир қамишимдир, ажаб, қирқ қилқамиш.

Бир кўнгилдан ер уза қирқ настаран,
Қирқ гиёҳ унгай яна қирқ хил қамиш.

Том қилғил бу қамишлардинки, кўр:
Ястанибдир йўлингга қирқ дил қамиш.

Сочларингни биз учун қирқ қилмадинг,
Сенда қоматлар қамишу бел – қамиш.

## ЁДГОР ГУЛ

Бу ёруғ оламда бир гул туғилди,
Ўртаб тирикларнинг жону жисмини.
Боғда бор гулларнинг боши эгилди,
Ёдгора деб қўйдилар бу гулнинг исмини.

О, ҳаёт,
Бир ширин кулчаларинг бор,
Бешиклардан чиққан қўлчаларинг бор.
Қатор қилгин энди сен бор гулингни,
Қабул қилиб олгин ёдгор гулингни.

Бу дунё аслида алвон рангли гул,
Ёдгора, Ёдгора, гўзал, мунгли гул.
Кимни кутиб ўсдинг гуллар аро зор?
Капалакларнинг ҳам оталари бор.

Сенинг хаёлингми тонгти шабнамлар,
Меҳрдан сўйлашса – кўзингда намлар.
Эй, сен тоза ифор,
Бокира, эй гул,
Севгию соғинчдан хотира, эй гул!

Бизлар ҳаммамиз ҳам гулга ўхшаймиз,
Гул суйиб, гул сочиб, гуллар тўшаймиз.
Ҳаёт, муҳаббатдан қўйлак олиб бер,
Шу ёдгор гулингга бахту толе бер.

## ЎЗБЕКНИНГ «ЁР-ЁР»И

Ота уйнинг эшигидай эшик йўқ,
Оламни кез, Фарҳодингдай ошиқ йўқ.
Бу кеч тошу деворларинг сел бўлар,
Бу дунёда «Ёр-ёр»ингдай қўшиқ йўқ.

Ўстирганинг қизмиди, ё гулмиди?
Қиз кўнглидан жаннатларга йўлмиди?
«Ёр-ёр»ингдан титроқ тушиб ойларга
Қўшилишиб оқиб кетар сойларга.

Ҳеч юртда йўқ қайрилмақош янгалар
Остонангга сочса тилло тангалар.
Ота эшик, қанча ифорларинг бор,
Қизинг билан кетар баҳорларинг бор.

Бу кеч тошу деворларинг сел бўлар,
Қанча нозик кўнгилчалар дил бўлар.
Не кечгайдир бундан кейин ҳолларинг?
Йиғлар бу кеч теракларинг, толларинг.

Бошинг узра нурли фалак айланар,
Осмон ўзи тутгай сенга ойналар.
Дуо энди отангдандир, халқдандир,
Қиз болага бахту толе Ҳақдандир.

Майли, етти иқлимларда тўй бўлсин,
Ҳар қарич ер ўлан бўлсин, куй бўлсин.
Оламни кез, бешигингдай бешик йўқ,
Бу дунёда "Ёр-ёр"ингдай қўшиқ йўқ.

## АСРБЕК

Аср билан туғилганлар осмонларга
тенг бўлсин,
Ҳар ўғлони бул Ватаннинг султонларга
тенг бўлсин.
Аср янглиғ умр берсин Асрбекка юз йиллар,
Улғайсину Алпомишдай полвонларга
тенг бўлсин!

Самандар ВОҲИДОВ

# БАХТ ДУЧ КЕЛМАС ОМАДДАЙ ОСОН



* * *

Орзу-офтоб, тўсиб бўлмайди,
Умид – ёғду, бўлмагай чопиб.
Фақат уни ёвузлик гоҳи
Мумкин бироз қўймоғи ёпиб.

Севги – Тоҳир, сувда чўкмайди,
Вафо – Кумуш, ўлмас заҳардан.
Фақат гоҳо ҳолдан тояди
Ёвуз диллар солган хатардан.

Кул бўлмагай ўтда Эътиқод,
Занглмагай лойда тилладай.
Фақат унга ёвузлик бот-бот
Титроқ солиб турар ҳийладан.

Тут шохидек, илдиз бўлса бут,
Қирқилса ҳам Ишонч ёзар барг.
Ёвузликнинг қасдида сукут –
Сақласа-да бўлмас жувонмарг...

Ёвузликнинг панжалари қон,
Толмагай у қиличин қайраб.
Бош олса-да ололмагай жон,
Мана, яшаб юрар-ку Машраб...

## БАХТ

Омадёрлар бари бахтиёр эмас,
Омадёрлар бисёр,
Бахтиёрлар кам.
Ҳар омад бахт бўлса, бахтлими, демак,
Ийд куни тўрваси тўлган гадо ҳам?

Ҳумога беҳуда ўхшатилмас бахт,
Ҳумони кўрганни кўрмаган дунё
Кафолат бермагай бахтга, ҳатто тахт, йўқса,
«Толеъ йўқ» деб йиғлармиди шоҳ*.

Бахт агар дуч келса омаддай осон,
Бахт ушоқ терсайди остоналардан,
Ҳумони изламай афсоналардан –
Қарғани «бахт қуши» атарди Инсон.

* *Бобурнинг «Толеъ йўқи жонимга балолар бўлди» мисрасига ишора.*

## ГУЛЛАГАН ЎРИКНИ СОҒИНИБ...

Ўриккинам мени кутмай гулладингми?..
Мени энди келмайди, деб ўйладингми,
Соғинчингни гул тилингда куйладингми.
Айриликдан баҳорга роз сўйладингми,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми?

Мен ҳам сендай интизори баҳор эдим,
Гуллашингга бир боқай, деб хумор эдим,
Гўдакчеҳра гулларингга хуштор эдим,
Нетай, бу йил дардга банди-бемор эдим,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми?

Қиш жабридан дардлашардик бирга, ахир,
Тақдиримиз топади, деб бир кун тағйир,
Гулбаҳорни кутмоқчийдик очиб бағр,
Танҳо гуллаш ботмадими сенга оғир,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми?

Гулюзингга кимлар солди илк бор нигоҳ,
Илк завқингдан қайси диллар бўлди огоҳ,
Лоқайдмиди, кўзга суртди, ё хайрихоҳ,
Кутганингга етказмаскан, нетай, дунё.
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми?

Беморхона боғида ҳам кезар баҳор,
Деразамнинг тирқишидан пуркар ифор,
Аммо хаёл кўзгусидан ўчмай зинҳор –
Имлаб, имлаб кўринасан сен гулрухсор,
Ўриккинам, мени кутмай гулладингми,
Гуллай туриб мени ҳам бир ўйладингми?

## ЙИҒЛАТАР

*(Ҳаётдан эрта кўз юмган шоир, ёзувчи укаларимни қўмсаб)*

Йиғлама, дейсан, дилим, мунгли саболар йиғлатар,
Юлдузи тарк айлаган тунги самолар йиғлатар,
Тонгга восил бўлмайин сўнган зиёлар йиғлатар,
Бемаҳал кўнгилга тиғ урган видолар йиғлатар,
Манзилига етмайин сафдан жудолар йиғлатар.

Шеърият карвонига ташла назар, маҳзун юрак,
Қанча норнинг ўрни бўш, шоирга қасддорми фалак?..
Сиғмайин дунёи дунга кўкками кетди Тилак,
Изласам Сайёдда, тупроқ тубига имлар йўлак,
Сандувоч бўғзидаги мажруҳ нидолар йиғлатар.

Дилга шафқат қилмайин Шавкат «қолар сўз» излади,
Ўзни «сен»лаб, қайраган кескир сўзини «сиз»лади,
«Тобласин жисмимни чин оғриқ» дедию бўзлади.
Энди нурга етганида сўнди ўйчан кўзлари,
Қон ютиб, ҳақ излаган ҳақгўй фидолар йиғлатар.

Ахтариб меҳру муҳаббатни Муҳаммад – ўзи йўқ,
Шоюсуфни отдошдек ютдими тубсиз қудуқ,
Ё Улуғбекни кўришга тегдими ҳақдан ҳуқуқ,
Шоирини қўмсаган эл дардига ҳамдам қўшиқ,
Куйласа Юлдуз ёниб, ўтли наволар йиғлатар.

Дейдилар: «тулпорни шаҳди илк қадамлардан аён»,
Бу чаман файзига Равшан файз қўшарди бегумон,
Чорининг ҳар мисрасида дилноласин шарҳи аён,
Ўчди Жилвондан жило Илҳоми кетгандан буён,
Гул ҳаётдан тўймаган маъюс нигоҳлар йиғлатар.

Бердими, олмас бўлиб, берса фалак инъомини,
Во дариғ, зоғлар қолиб, булбулга ташлар домини,
Ё худо, хос қўлга тутқаз ноумидлар жомини...
Руҳларин шод айлайин деб, ёдга олсам номини,
Лабларимни титратиб чиққан дуолар йиғлатар...

Фазу АЛИЕВА, авар ёзувчиси

# БУВИМНИНГ ИЛТИЖОЛАРИ

## Ҳикоя

–Сиз аллақачонлар худонинг жонига теккансиз? – деди бир куни онам.

–Ие, нега унинг жонига тегар эканман? Унга нима ёмонлик қилдим? – аччиғланди бувим.

–Битта-иккита нарсани сўраса бўлади, сиз бўлсангиз, бирдан шунча кўп сўрайсизки, уларни ёзиб қўйса, бутун бошли бир китоб бўларди. Сизнинг илтижоларингизнинг ҳаммасини худо эсида тутиши гумон.

–Вой, астағфирулло, сен бутунлай ақлингни еgansан. Худованди Карим, илтижо қиламан, унга қулоқ солма. У ҳеч нарса дегани йўқ, ҳеч нарса, – дея бувим қўлларини самовотга тикди. – Сен шафқат соҳибисан, шунинг учун сенга илтижо қиламиз. Соҳиби қудратсан, илтижоларимизни сендан бошқа ким ҳам инобатга оларди? –Бироз жим қолгач, давом этди бувим. – Ҳар субҳидам сенга мурожаат қиламан, шафқатли бўл, ўғирлик қилмаганман, ичмаганман, бегона эркаклар билан юрмаганман. Бировлар юрагига раҳна солганим йўқ. Ҳеч қачон дарахтлар тепасидаги қушларингни чўчитмаганман. Инсон туғилганида меъёрида шодланганман, у амринг билан бандаликни бажо келтирганда эса меъёрида йиғлаганман. Гуноҳларимни кечир! Мабодо бирор қилиғим дидингдагидай бўлмаган бўлса, қасддан деб билмагайсан. Сенинг олдингда ҳамма гуноҳкордир. Сенинг нигоҳинг ҳам ҳар бир майсага, ҳар бир гулга, тошга, булоққа тушаётган шудрингдай бахайр бўлғай.

Мана, Патиматнинг эри ўлди, – бувимнинг овози ғамгин жаранглади. – демак, хоҳиш-иродангшундай экан. Унга ортиқча кун бермагансан. Патиматнинг уч жигаргўшаси етим бўлиб қолди. Демак, етимликни бошидан кечириш улар тақдирида бор экан. Ахир, Патимат ҳали ёш, эрга теккиси келади. Унга шундай эр насиб этгинки, у болалари учун ота ўрнини боссин.

Хатимат яна фарзанд кўрмоқчи, – илтижо қилади бувим. – Ўзингга аён уларнинг еттита қизи бор. Энди ўғил кўришни истайди. Унинг юрак қаърида не борлиги фақат сенга равшан. Лекин ўғил туғилсин! Сендан илтижоим шу.

Супайнат қари қиз бўлиб қолди. Ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилмаган эди-ку. У ҳам бошқа қизлардай эрта тонгда туради, ҳаммадан кеч ётади. У ер ҳайдашда ҳам, беда ўримида ҳам, ғалла ўримида ҳам ҳозиру нозир. Ҳар бир ушоқнинг қадрига етади, увол деб бошоқни босмайди. Сув тўла кўза билан қайтаётганида ерда ётган бошоқни энгашиб олиб, уни уйига келтирганини ўзим кўрганман. Куёвларнинг кўзи қаерда, билмайман. Магазинда ишлайдиган Ойшатдан унинг қаери кам? Мени тўғри тушун. Мен Ойшатнинг бахтига қарши эмасман. Алҳамдулиллоҳ, сузишни билмайдиган киши денгизда қандай ғарқ бўлса, у ҳам бахтга шунчалик ғарқ бўлсин! Супайнатга ҳам озгина берсанг, баҳри уммонинг адо бўлмайди-ку.

Тангрим! Мен бандангни кечир. Лекин кўп нарса сўраяпти деб ўйлама. Аминат касал, унинг изтиробини камайтир, куни битган бўлса, ўлимини енгил қил, ахир, бу аёл ҳеч қандай ёмонлик қилмаган.

–Вой-бўй, она, сизни тангри-таоло бу қандай тиланчи эди, деб ўйласа керак, – кулди онам.

Лекин бувим ҳеч кимга қулоқ солмай илтижосини давом эттираверди:

– Қумурсқадан тортиб инсонгача барча жонзот, майсадан тортиб тишгача барча ўсувчи нарса, тошдан тортиб қоягача бўлган мангу мавжудот, булоқдан тортиб денгизгача барча ҳаётбахш нарса сенинг шафқатингдан умидвор. Ер тагидаги уруғни, ер устидаги набоботни, бошоқдаги донни, гулдаги мевани ўзинг асра. Ёмғир ва қуёш меъёрида бўлсин. Бизни дўл ва яшиндан, экинимизни думбуллик ва тобидан ўтиб кетишидан сақла, бизни бало-қазолардан асра. Йўлдаги йўловчининг тунини равшан қил, токи у йўлидан адашмасин. Қушлар уясини бузилишидан сақла. Ўрмонда яшовчи қанотли ва ваҳший жониворларга ўз боласидан жудо бўлишдек мусибатни раво кўрма. Улар ҳам ўз полапонларининг учаётганини, ўз болаларининг чопаётганини кўришсин!

Ота-оналарнинг бандаликни бажо келтириш пайти келганда қабрга ўз болалари қўли билан қўйилсин. Зероки, дунёда ота-она учун болаларининг ўлимини кўришдан аччиқ қайғу йўқ.

Мендан қаҳринг келмасин, соҳиби қудрат. Машриқдан Мағрибгача чўзилган ерни табаррук қўлинг бирла силаб қўй. Ўз эзгулигингни ҳеч кимдан аяма. Мени ҳам унутма. Менинг болаларим ва невараларимга покдомонлик ато эт. Фараз қил, улар сенга ишонишади ва ибодат қилишади.

–Бундай илтижо қилишга қандай журъат этасиз, ахир, невараларингизнинг биронтаси ҳам ибодат қилмаётганини у кўриб турибди-ку!

Бувим бўлса бадтар қаттиқроқ:

–Астағфирулло, бизлар сенинг қулларинг, қанчалик уволга йўл қўймайлик, сен яхши деб ҳисоб қил, – дея илтижосида давом этарди. – Бир савобимизни юз деб қабул айла. Бизни биз яхшилик қилаётган кишиларнинг ёвузлигидан сақла. Собиқ дўст макридан асраб, уни бизга душман этма. Оёғимиз заҳарли алафни топтасин, қўлимиз мевали дарахт ўстирсин. Ҳаммага мақсадга эришиш учун куч бер, барча ўз-ўзидан норози, бошқалардан эса рози бўлсин. Хайрли ишлар қилиш истагини бер.

Бизнинг овулимизга ҳеч қачон аёл кишининг енгилтаклиги ва эр кишининг қўрқоқлиги келтирадиган шармандалик насиб этмасин. Ташнага сув юбор. Заҳарли тилдан ва очофат кўзидан асра. Оғзимиздан фақат кишиларга шодлик келтирадиган сўзлар чиқсин. Одамлар қалбига раҳна солувчи сўзларни ичга ютайлик. Бизни аччиқлигимиз учун тупуриб ташламасинлар, ширинлигимиздан ютиб юборсинлар.

Бизга эзгуликни эсда тутиш ва ёмонликни унутиш учун куч бер. Шундай бардош бергинки, қайғумизни шодликка айлантирайлик. Майса бағридаги ҳашаротдан тортиб ер тагидаги қуртгача ҳаммасини кўриб турибсан, ҳа, имконияти йўқ нарсани кўриб турибсан. Имконияти йўқ нарсани сўрасам, мени кечир, фараз қилки, сўраганим йўқ. Ҳали ҳам мен ҳаммасини баён этолмадим, кўп нарса айтилмай қолди, лекин фикрларим сенга аён, фараз қил, мен ҳаммасини айтдим. Чунки шошиб турибман. Субҳидамни ўтказиб юбормайин тағин. Ахир, далага боришим керак. Астағфирулло, Алҳамдилуллоҳ!

П. УСМОН таржимаси

«...Кенггина тош саҳнда Эна Кўкбўри ёнбоши билан бемалол чўзилиб пинак қиладир, тирсиллаган сийнасига оғиз-бурнини оппоқ-қуюқ сутга белаганча барака топкур Чақалоқ жон-жаҳди билан ёпишволган...»

Бу тасвир яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган таниқли адиб Асад Дилмуроднинг «Фано даштидаги қуш» романидан. Асарда ёзувчи кўнгил манзараларини ифодалаш йўлидан боради. Реалистик тасвирга асосланган мистик-романтизм руҳи ҳар бир саҳифада товланиб туради.




«Фано даштидаги қуш» романи «Ёртилик қонуни» ва «Эна Кўкбўри» деб номланган икки китоб дан таркиб топган. Асар қаҳрамони Саидбек Умар – макону замон оралиғида ўзлигидан адашган, яъни кўп хатолар қилиб қоқилган, ниҳоят, ўзлигига қайтиш, кимлигини билиш – кўнглига парвоз қилиш, гуноҳларини ювиш ташвишини чекиб яшаётган инсон образидир.

Муҳими, «Фано даштидаги қуш» романи сизни ўйлаш, мулоҳаза юритиш, мажозий образлар моҳиятини билишга ундайди. Асардаги бирор-бир воқеа, персонаж, тимсол, киноя-қочирим сизни бефарқ қолдирмайди.

Роман нашрига таниқли адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд Андижонийнинг Асад Дилмурод ижоди ва унинг «Фано даштидаги қуш» асари ҳақидаги «Руҳият олами сири» мақоласи илова қилинган.

Китоб беш минг нусхада чоп этилган. Нашрни мусаввир Р.Зуфаров безаган.

## Журналларни варақлаганда

«Ёшлик» журналининг янги сони мундарижаси бугунги адабий жараёнда ёш ижодкорлар томонидан ёзилаётган, бадииятнинг турфа жанрларига мансуб сара асарлардан таркиб топган.

Мазкур сонда сиз фаол ёзувчи Исмоил Шомуродовнинг «Икки изқувар» номли янги қиссаси ҳамда Исмоил Аҳмедовнинг «Ташландиқ» номли ҳикояси билан танишасиз.

«Назм» рукнида журналхонларга бу гал ажиб шеърлар гулдастаси тақдим этилган. Истеъдодли ёш шоирлардан Вафо Файзуллонинг «Жон йўлини яширган армон», Гўзал Бегимнинг «Мен севмоқ истайман денгиз товушида» деб номланган янги туркумлари, Нуруллоҳнинг шеърлари сизнинг эътиборингизни тортиши тайин. Шу рукнда яна Икром Отамуроднинг «Анинг умиди» достонини, Нурали Мисир, Мусаллам Бону, Ашурали Боймуродов шеърларини ҳам ўқийсиз.




«Ёшлик»нинг бу сони турли адабиётшунослик ва адабий танқиднинг турли муаммолари тадқиқига бағишланган тадқиқот ҳамда ахборотларга бой. Хусусан, Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти докторанти З.Пардаеванинг мақоласида ёшлар насрида бадиий меъёр масаласи кузатилса, филология фанлари номзоди Ш.Ҳасанов бугунги достончилик тамойиллари ҳақида мулоҳаза юритади. ЎзМУ доценти У. Долимовнинг «Нимани кутдилар неларни кўзлаб...» сарлавҳали мақоласида тарихнинг ўқилмаган саҳифаларидан сўз юритилади.

«Дунё адабиётшунослигининг диққат марказида турган герменевтика (бадиий асарни тушуниш ва тушунтириш асоси) таълимотининг илғор тажрибаларидан назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш мумкин». Бу ҳақда Б.Каримнинг «Сўз мўъжизасини англаш йўлида» мақоласида кенгроқ маълумот берилган. Ў. Панаеванинг «Халқни уйғотгувчи шеърият» мақоласида таниқли шоир Омон Матжон шеъриятига бир назар ташланади.

# УЧРАШУВ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги тарих ва шарқ тиллари лицейида Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Бизким, ўзбеклар...» асарининг қайта нашр этилиши муносабати билан китобхонлар конференцияси бўлди. Унда филология фанлари номзоди Муҳсин Олимов, тарих фанлари номзоди, лицей директори Гулнора Алимовалар китоб ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўтмиш тарихимизга муҳаббатни кучайтиришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов китобининг ёзилиш тарихи, қандай манбалардан фойдаланганини айтиб, китобхонларнинг саволларига жавоб берди.

# НЕЪМАТЖОН ҚУЛАБДУЛЛАЕВ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли бастакор, машҳур хонанда ва созанда Неъматжон Қулабдуллаев 72 ёшда вафот этди.

Н.Қулабдуллаев 1930 йили Чимкент вилоятининг Қўштегирмон қишлоғида туғилди. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини тугатгандан сўнг 30 йил давомида Қори Ёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясида меҳнат қилди. Ижодий фаолияти давомида бастакор 150 дан ортиқ куй ва қўшиқлар яратди. Уларни маҳорат билан ижро этиб, халқ орасида кенг танилди. Бастакор ва хонанданинг куй ва қўшиқлари Ўзбекистон радиосининг «олтин фонди»дан муносиб ўрин олган. Санъаткор ижро этган «Ўйнасин», «Қўлда раъноси билан», «Индамади», «Жон бўлибди, жонон бўлибди», «Розиман», «Эй юрак», «Соғиндим, соғиндингми», «Она юртим Ўзбекистон», «Онадур ул, онадур», «Кулгай» каби қўшиқлари эл орасида машҳур бўлиб, хонандага катта шуҳрат келтирди.

Бастакорнинг қўшиқлари кўпгина чет мамлакатларда ҳам севиб тингланади. Таниқли хонандадан сабоқ олган Ўзбекистон халқ артистлари Камолиддин Раҳимов, Ғуломжон Ёқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эркулова каби ўнлаб санъаткорлар Н.Қулабдуллаевни ўзларига устоз деб биладилар. Улар миллий мусиқа меросини кенг тарғиб этишга устозлари каби баракали ҳисса қўшмоқдалар.

Н.Қулабдуллаевнинг ўзбек санъатидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган эди.

Ўз санъати билан эл-юрт ҳурматини қозонган олижаноб инсон, меҳрибон устоз, заҳматкаш ижодкор Неъматжон Қулабдуллаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда сақланиб қолади.

***Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси***

*Обида*

# АЗЛАРХОН ЭШОН ЁДГОРЛИГИ

## таъмирланадиган бўлди

Истиқлол йилларида тарихий ва маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, таъмирлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунёдкор аждодларимизнинг юксак маҳорати акс этган бу осори-атиқалар бугунги кунда нафақат ватандошларимизни, балки кўплаб хорижий сайёҳларнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига тортаётганлиги табиийдир...

Шулардан бири Кўҳна Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида (ҳозирги Шайхонтоҳур тумани Ялангкар маҳалласи) қад кўтариб турган Азлархон Эшон жомеъ масжиди бўлиб, у узоқ ўтмишдаги аждодларимиз томонидан бунёд этилган нодир ёдгорликлар сирасига киради. Ўз даврида неча-неча мўминларни бағрига жамлаган бу муқаддас даргоҳ, ўтган давр мобайнида қаровсиз аҳволга келиб қолган эди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Азлархон Эшон жомеъ масжиди XVIII асрнинг охирлари, тахминан 1790-йилларда шу маҳаллада яшаган Азлархон Эшон томонидан қурдирилган. Бу сана Тошкентда чорҳокимлик бар ҳам топиб (1784 й.), шаҳарни Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа бошқарган даврга (1784 – 1803/04) тўғри келади. Бу даврда Тошкент Мовароуннаҳрнинг йирик ҳунармандчилик ва маданий марказларидан бирига айланган эди.

Ёдгорликнинг бизгача сақланиб қолган асосий қисми тархини ярим трапециясимон асосда қад кўтарган гумбазли хонақоҳ ва унга туташган ёпиқ айвон ташкил қилади. Масжид қурилишида маҳаллий қурилиш материалларидан, асосан, пишган ғишт ва ёғочдан кенг фойдаланилган.

Меъморлар хонақоҳни безашда асосан, меҳроб томонга эътибор беришган. Меҳроб тепасига ганчдан китоба, пастининг икки ён томонига равоқли безак ишланган. Хонақоҳнинг юқори қисми карниз билан безалиб, усти бағалли гумбаз билан ёпилган.

Айвон қурилишида фойдаланилган материалларни ўрганиш шуни кўрсатадики, у хонақоҳдан анча кейин қурилган. Маълумотларга қараганда, ёдгорлик ҳовлисида баланд минора ва мадраса бўлиб, бизгача сақланмаган. Минора даҳанинг энг баланд биноларидан бири бўлган.

Бағал гумбази асосан кенглиги нисбатан катта бўлган бинолар устини ёпишда қўлланган. Бу усулнинг шаклланиш тарихи Ўрта асрларга оид бўлиб, уни Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси (XIV аср), Хивадаги Саид ота масжиди (XVIII аср), Бухородаги Сомонийлар мақбараси (IX-X асрлар) каби қадимий обидаларда учратиш мумкин.

1983 йили ёдгорлик ҳудудида бир гуруҳ мутахассислар лойиҳалаш ва таъмирлаш бўйича тадқиқот ишларини олиб бордилар. Шу аснода ёдгорлик тарихига оид маълумотлар тўпланиб, бир неча албом тайёрланди. Дастлабки таъмирлаш лойиҳасининг эскизи ҳам ишланди. Афсуски, бу ниятлар анча вақт лойиҳа тарзида қолиб кетган эди.

Ҳозирги кунда масжидни таъмирлаш ишлари бошланиш арафасида турганлиги қувонарли ҳолдир. Зеро, таъмирлаш баҳонасида масжид ҳудудини ўрганиш ва шу аснода ўша даврга хос қўлёзмаларга мурожаат қилиш, меъморчилик тарихимизга оид баъзи жумбоқларга аниқлик киритилишига ишонамиз.

**Зикрилла НАЗРУЛЛАЕВ,**
**меъмор**





Қадимда шундай ривоят бўлган экан: юртга ёв бостириб келаётганини эшитгач, элнинг барча йигитлари ватан ҳимоясига отланибди. Бир кичкина бола ҳам бақувват йигитлар қаторида жангга шайланибди-ю, отга минаман, деб ҳар қанча уринмасин, узангига бўйи етмабди. Ўғрилик қилиб отга тирмашиб ётган болани иккита қария икки ёнидан суяб отга миндириб қўйибди.

–Илоё, ой бориб омон қайт, болам! Ёвни ер билан яксон қил, – дея дуо қилишибди қариялар.

Тулпорини гижинглатиб турган абжир йигитлардан бирови:

–Узангига бўйи етмаган, бировнинг кўмагисиз отга минолмаган манови болага қаранглар, ўзини эплолмаган бола жангга ярармиди?! – деб писанда қилибди.

Буни эшитган кайвонилардан бири шундай дебди:

# КЎНГИЛЛАР ҚУВОНЧИ



–Бу болани бир эмас, иккита қария отга миндириб қўйдими, бас. Энди уни ҳеч ким отдан тушира олмайди.

Уни ёв отдан тушира олмабди. Юртини мардона ҳимоя қилган чинакам паҳлавон бўлибди. Элининг корига ярабди. Ватанининг жонига оро кирибди.

Икки қариянинг дуоси билан ишончи болани юртпарвар ботир қилибди. Тани жонини балою қазолардан омон сақлабди.

Бизда пири бадавлат қариялар дуосини олиш савоб саналади. Элимиз фақат савоб учун эмас, аввало, бурч ва эътиқод учун қарияларни қадрлайди. Чунки қарияларни қадрламаган кишининг имони бутун бўлмайди.

Қарияларни қадрлаган оиланинг фарзандлари комилдир. Қарияларни қадрлаган мамлакатнинг келажаги буюкдир.



Тинч-тотувлик, фаровонлик ва бадавлатликнинг миллий-маънавий асосларидан бири ҳам қарияларни қадрлашдир. Юртбошимиз бу йилни қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилганлари моҳиятида ана шундай ҳикмат бор.

Мамлакатимизда қарияларни қадрлашга доир кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Юртимиз ва юртбошимиз шаънига пири бадавлат боболаримиз ва момоларимизнинг дуолари ёғилмоқда. Доно халқимиз «Ёмғир билан ер кўкарар, дуо билан эр кўкарар», деб бежиз айтмаган.

Яқинда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб яна бир ажойиб тадбир ўтказди. У пойтахтдаги «Эшпўлат ота» истироҳатгоҳида бўлди. Маданиятимиз ва санъатимиз равнақига улкан ҳисса қўшган, санъат, адабиёт йўлида сочлари оқарган қарияларимизга катта иззат-ҳурмат кўрсатилди.

Бир пиёла чой устида қарияларни қадрлаш йилида мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишлар хусусида суҳбат бўлди.



Чор атроф ранг-баранг, анвойи гуллар билан ўралган. Барглари одамнинг кафтидек ёзилиб турган токларнинг ғўралари кўзни яшнатади. Сўриларга илинган тўрқовоқларда беданалар сайрайди. Гулзорнинг четларида товуслар рангдор патларини ёзиб хиром айлайди. Пастда шилдираб оқаётган ариқ сувларида оппоқ ғозлар сузади. Жаннатга ўхшаган мана шу чойхонада қарияларимиз яйраб ўтиришди.



Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг биринчи вице-президенти Одил Ёқубов маданият арбоблари учрашувини очди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов қарияларимизни «9 май – Хотира ва қадрлаш куни» билан қизғин қутлаб, ўзининг дил сўзларини изҳор этди. Абдулла ака Мустақил мамлакатимиз равнақи, миллий маданиятимиз ривожидаги устозлар хизматини алоҳида таъкидлади. Самимият ва меҳрга тўла илиқ сўзлардан нуроний чеҳраларга нур югурди.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ўзбекистон халқ артистлари Гавҳархон Раҳимова, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Шуҳрат Аббосов, таниқли адиб Озод Шарафиддинов ва бошқалар дил сўзларини изҳор қилдилар, Таниқли шоир Сирожиддин Саййид қарияларни қадрлаш йилига бағишланган шеърини ўқиб берди.

Даврада русча, қозоқча, қирғизча, татарча шеърлар ҳам ўқилди, қўшиқлар куйланди, табрикномалар айтилди, ҳазил мутойибалар ва латифалар янгради. Бу анжуман қарияларимиз қувончига қувонч қўшди.

**Рустам МУСУРМОН**

*Руҳият иқлимлари*

# СУРАТДАГИ НИГОҲ

Дунёга келган инсон борки, ўзига берилган маълум ёшни яшаб бўлгач, оламдан ўтади. Кейин-чи? Наҳот ундан абадул-абад бирор-бир сас, дарак бўлмаса?

Бу жумбоқ неча минг йиллардан буён инсониятни ўйга толдириб, қийнаб келади. Инсон боласи охиратни билмоқ истайди, доимо мен ўлсам қаерга бораман, деган саволга жавоб излайди. Аслида, оламда неки сир-синоат бор экан, бари инсоннинг ўзида мужассам. Зеро, табиат фақат одамнигина қўшқанот қилиб яратган, яъни Ақл ва Руҳ инсоннинг буюк таянчларидир.

Ақлнинг имкони етмаган хилқатлар Руҳнинг тасарруфида бўлади. Инсон Руҳ ила Ҳаққа етишади. Шу ерда яна бир саволга дуч келамиз. Инсон вафот этгач унинг руҳи қаерга кетади? Наҳотки тана билан бирга кўмиб юборилса ёки ёниб кетса?

Умуман, моддий дунёмизга муқобил олам – у дунё борми?

«Қуръон»да ҳам, бошқа диний китобларда ҳам у дунё мавжудлиги таъкидланади. Буюк юнон файласуфи Афлотун «Ўлим уйғонмоқ ва хотирламоқдир», дейди. Унинг фикрича танадан ажралган руҳ аввалгидан кўра аниқроқ, равшанроқ фикрлаши ва мушоҳада юритиши мумкин.

Узоқ йиллар Тибет донишмандларининг оғиздан оғизга кўчиб юрган ва эрамизнинг VII асрида ёзиб олинган «Тибет марҳумлар китоби»да ҳикоя қилинишича, Руҳ танадан ажралиб чиққач, мурда атрофида йиғлаётган, уни дафн этишга ҳозирлашаётган одамларни кўриб туради. У ўзида нурли тана деб аталган, жисмсиз моҳиятдан таркиб топган тана борлигини пайқайди. Руҳ ҳеч қандай қаршиликсиз баланд қояларга чиқиши, қалин деворлардан сингиб ўтиши мумкин. Фикрлари, туйғулари ҳам энди чексиз ва чегарасиз бўлади...

XVII-XVIII асрлар оралиғида яшаб ўтган швед олими Э.Сведенберг анатомия, физиология, психология бўйича кўплаб асарлар ёзган. У шундай дейди: «Одам ўлмайди, балки тириклигида зарур бўлган танадан озод бўлади, холос... Одам ўлганда бир ҳолатдан атиги бошқа ҳолатга ўтади».

Ҳозирги замон олимлари, руҳшунослари ҳам Свенденберг фикрига яқин фикрларни билдиришмоқда. Жумладан, медицина фанлари доктори, профессор Эрнст Мулдашев фикрича, инсон фантоми – тананинг энергетик нусхаси муқобил оламга хос, бизга номаълум, кўзга кўринмас моддадан ташкил топган. Икки олам шу инсон фантоми орқали боғланган. Шунинг учун ҳам кўплаб касалликлар бизга муқобил оламдан келади.

Доктор Раймонд Моуди ҳам узоқ вақт ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида тадқиқотлар олиб борган. Юзлаб клиник ўлимга мубтало бўлган одамлар билан суҳбатлашади, муаммони илмий ўрганади. Тадқиқотлари натижасида «Ўлимдан кейинги ҳаёт" номли китоб ёзади.

Неча минг йиллар давомида олиб борган тадқиқотлар, изланишлардан чиқадиган хулоса шуки, муқобил олам бор. Бўлмаса дунёда ҳали инсон ақли етмайдиган, ҳайратланарли мўъжизалар рўй бермасди. Тарихдан маълумки, инсоният кўплаб бундай жумбоқ воқеа ва ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган.

1643 йилнинг 23 октябрида Элжхилл шаҳри яқинида инглиз фуқаролар урушининг биринчи қаттиқ жанги бўлган. Бу қонли жанг натижасида беш минг киши ўлиб, уларнинг мурдалари жанг майдонида қолади. Орадан бир ой ўтиб худди шу майдонда ўша жангда қатнашган қирол ва парламент тарафдорларининг арвоҳлари яна «тўқнашадилар».

1862 йилнинг 6 апрел куни АҚШда генерал Жонсон қўмондонлигидаги конфедератлар лашкари Шайло шаҳрида жойлашган генерал Грант қўшинларига ҳужум қилади. Икки кеча-кундуз давом этган бу жангда 24 минг киши қурбон бўлади. Қонлар оқиб дарёга тушади. Сувлар қизил рангга бўялади. Маҳаллий аҳолининг гувоҳлик беришича, ҳозирга қадар бу жойда арвоҳларнинг «ҳаёт-мамот» жанги бўлиб туради.

«Труд» газетаси муаллифларидан бири Ирина Потацкаянинг ёзишича, 1981 йилнинг ёзида Днепр дарёси соҳилидаги кимсасиз ярим оролда йигирма чоғли сайёҳ гулхан атрофида тунни ўтказади. Тонгга яқин узоқроқда турган ғишт заводининг хароба деворларидан ошиб бир қиз улар томон кела бошлайди. У бўйнига мовий шарф ташлаб олган. Эрта тонгдаги туманда ёрқин яшил рангда кўринарди.



Саёҳлар қуролланиб хароба томон боришади. Улар аёлнинг олдига етишига бир неча қадам қолганда, у кўздан ғойиб бўлади. Сайёҳлар бутун атрофни излаб чиқишади, лекин ҳеч кимни топа олмайди.

Сайёҳлар кейинроқ аниқлашича, ғишт заводини немислар бомдардимон қилганда, ичида бир қиз қолиб кетган. Балки ўша қизнинг руҳи сайёҳларни безовта қилгандир. Боб Фаулер хотини Шерон ва уч яшар қизи Сюзини уйида суратга олади. Плёнкани ювиб кўргач, ҳайратдан ёқасини ушлайди. Кадрда ўтган аср охирларига мансуб кийим кийган бошқа аёл ва қиз сурати бор эди. Боб хотини билан қизини яна суратга олиб кўради. Яна аввалги ҳолат такрорланади. Шундан сўнг у мутахассисларга мурожаат қилади. Унга бир киши «Бу ерда аввал бирор одам яшаган бўлса, шунинг руҳи бўлиши мумкин. У нимадандир безовта, деган гапни айтади. Бу гапдан сўнг Боб Фаулер қалъанинг эски ертўлаларини кўздан кечириб чиқади. Бир ертўладан иккита одамнинг мажақланган бош чаноғи ва суякларини топади. Уларни христиан динининг барча расм-русумларини адо эттириб, дафн қилади. Шундан сўнг руҳлар ҳам тинчишади.

Қўшниларнинг гапига қараганда, ҳақиқатан ҳам, бир пайтлар бу қалъада бир киши хотини ва қизи билан ижарада турган. Ўша киши кейинроқ уларни ўлдириб, мурдаларни яширган. Ўзи эса номаълум томонга қочиб кетган. Маълум бўлишича, Боб Фаулер оиласини шу онаболанинг руҳлари безовта қилаётган экан.

Бир қарашда булар бир эртакка ўхшайди. Чунки биз бу оламнинг барча сиру-асрорларини ҳали тўла ўргана олганимиз йўқ. Балки ўрганишга инсоннинг қудрати ҳам етмас.

Шу йилнинг 19 март куни пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 90-мактабнинг 6-синф ўқувчилари устозлари билан Зангиота туманидаги Зангибува қабрини зиёрат қилгани боришади. Ўқувчилар ўзлари олиб борган фотоаппаратда қабристондаги бир қабр ёнида суратга тушадилар. Зиёратдан қайтгач, суратни ишлашади ва ҳайратдан қотиб қолишади. Чунки болаларнинг сурати ёнида номаълум йигитнинг қиёфаси ҳам бор эди.

Мен бу сурат ҳақида эшитгач, танишим Мансур Аҳмаджоновнинг ҳузурига бордим. Сурат унда экан. У суратни берар экан, қуйидагиларни сўзлаб берди:

–Зиёратга борган ўқувчилар орасида жияним Олимхон ҳам бор экан. У суратни менга кўрсатди. Мен суратни кўриб, бу қиёфа арвоҳ бўлса керак деган фикрга келдим ва жумбоқнинг охирига етишга қарор қилдим. 6 апрел куни ўқувчилар суратга тушган Зангибува қабристонига бордим. Кўрсам, болалар суратга тушган жойнинг яқинида Тоҳиржон Назаровнинг қабри бўлиб, у 1958 йилда туғилиб, 1977 йилда 19 ёшида вафот этган экан. Суратдаги тасвир шу одамнинг арвоҳи эмасмикан, деган хаёлга бордим. Қабристон ишчилари, ходимлари билан суҳбатлашдим. Лекин уларнинг ҳеч бири Тоҳиржоннинг ота-онаси ёки яқинларини танимас экан. Суҳбатлашиб турганимизда қабр ёнидан бир одам ўтиб қолди. Биз ундан «Шу қабрда ётган инсоннинг бирор қариндошини танийсизми", деб сўраган эдик, у киши ушбу қабрни зиёрат қилиш учун келиб турадиган одамлар борлигини, чунки бу ерга уларнинг авлодларидан бир нечтаси дафн этилганини маълум қилди.

Шундан сўнг мен Тоҳиржоннинг қариндошларини топиш мақсадида Зангиота атрофини сўраб-суриштирдим ва амакисининг ўғли Абдулла аканинг уйини топдим. Аксига олиб хонадон соҳиби уйда йўқ экан. Суратни Абдулла аканинг турмуш ўртоғига кўрсатган эдим, қўрқиб кетди. Суратдаги тасвир ҳақиқатан ҳам Тоҳиржон эканлигини айтди.

Мен Абдулла аканинг хотини билан Тоҳиржоннинг уйига бордим. Отаси вафот этган, онаси ва опалари ҳаёт экан. Аксига олиб бу ердан ҳам хонадон соҳибасини топа олмадик. Ўн тўрт ёшлардаги бир қиз чиқиб, бувиси Тошкентга кетганлигини айтди. Тошкентда Тоҳиржоннинг икки опаси истиқомат қиларкан. Мен қизчадан уларнинг телефон рақамларини олиб, Тошкентга қайтдим.

Вақт ўтган сайин қизиқишим ортиб борди. Тошкентга қайтгач, Тоҳиржоннинг опаси Фароғат билан телефон орқали боғландим ва уйига бордим. Тоҳиржоннинг онаси ҳам шу ерда экан. Суратни кўрсатган эдим, улар ҳушларини йўқотиб қўйишига оз қолди. Суратдаги тасвир Тоҳиржон эканлигини айтишиб, марҳумнинг вафотидан олдин тушган суратини кўрсатишди. Солиштириб кўрсам, икки сурат ҳақиқатан ҳам жуда ўхшайди. Шундан сўнг Тоҳиржоннинг онаси ва опалари бу жумбоқ сирини аниқлашда ёрдам беришимни сўрашди...

Акбар Сулаймонов, Чилонзор туманидаги 90 мактабнинг 6-синф ўқувчиси: "Қабристонни зиёрат қилаётган пайтимизда синфдошларим суратга тушамиз дейишди. Синфдошимиз Маъмур фотоаппарат олиб борганди. Шу аппарат билан тўртта синфдошимни суратга олдим. Лекин ўша пайтда қабр устида ҳеч нарса кўрмадим".

Ўқувчи Маъмур Назаровнинг гапига қараганда, Зангиотадан қайтгач, эртаси куни синфдоши Олимхон билан "1000 хил майда-чуйда" дўкони ичидаги фотосалонга боришади. Бир рус йигити уларнинг плёнкасини ювиб ҳар бир кадрдан биттадан—36та сурат ишлаб беради. Болалар бу ғайритабиий суратга аввалига эътибор беришмайди. Уйга қайтгач, Маъмурнинг онаси суратларни кўздан кечира туриб, уларнинг бирида номаълум одамнинг тасвири борлигини сезиб қолади. Болалар эртаси куни плёнкадан "Халқлар дўстлиги" майдони яқинидаги фотосалонда иккинчи марта сурат ишлатиб кўришади. Бу сафар ҳам номаълум кишининг тасвири чиқади.

Ўқувчиларни зиёратга олиб борган ўқитувчи Нодира Сайфуллаева ҳам уларнинг гапини тасдиқлади. Суратга тушган ўқувчилар орасида унинг ўғли ҳам бор экан.

Тоҳиржон Назаров бундан йигирма беш йил олдин вафот этган. Унинг суратга тушган болаларга ҳеч қандай яқинлик жойи йўқ. Болалар суратни ишлагунга қадар марҳумнинг сурати ҳеч кимда йўқ эди. Бўлмаса, у болалар ёнига қаердан келиб қолди? Бунда бирор сиру синоат йўқмикан? Умуман, буни арвоҳнинг сурати дейиш мумкинми?..

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

**Тошкент Давлат 2-тиббиёт институти ўқитувчиси Алижон ЗОҲИДИЙ шарҳи:**

Мақолада тилга олинган воқеа парапсихология фанига оид бўлиб, бугунги кунда айрим хорижий элларда бу фан жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Парапсихология фани инсоннинг ауараси (холоси), телепатия, телекинез (кўз тегиши), қора ва оқ магия, экзорцизм каби муаммолар, ёндош оламлар ва улар билан алоқа ўрнатиш сир-асрорлари билан шуғулланмоқда.

Мақолада айтилгани каби ҳодисалар илгари ҳам кўп кузатилган. Масалан Америка ғайри табиий ҳодисаларни ўрганиш марказида арвоҳларнинг бундай суратларидан 960таси, Русияда эса юздан ортиғи мавжудлиги маълум. Шу билан бирга ғайритабиий ҳодисалар энг кўп учрайдиган, одамлари ишонувчан Англияда ҳам бундай ҳодисалар жуда кўп учраб туради.

Россия нашрларида ёзилишича, япониялик олимлар 1980 йилларданоқ суперкомпьютерлар воситасида арвоҳлар олами билан мулоқот ўрнатишга эришганлар ва улардан кўплаб маълумотларни олиб турадилар. Агар бунга ишонадиган бўлсак, япон олимлари эришган ютуқлар тамаддунимиздан бир неча ўн йил илгарилаб кетганлигини эътироф этишга тўғри келади.

Умуман, азал-азалдан илм аҳкомлари бу борада катта изланиш олиб борганлар. Жумладан, XIII асрда умргузаронлик қилган шайх Азизиддин Насафий ҳазратлари ўзининг «Зубдатул ҳақойиқ» номли асарида руҳга тасниф берибгина қолмай, балки уни ўн учта даражага бўлади ва ҳар бирининг мансаб маноқибини таърифлайди. Жумладан, у дейди: «Руҳ – оддий жавҳардир, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради. У табиатга мувофиқ – ўсимлик даражасида, ҳаракатга мувофиқ ҳайвон даражасида, ақлга мувофиқ инсон даражасида бўлади. Билгилки, руҳ латиф жавҳардир, у майдаланмайди ва аъзоларга бўлинмайди. Одамларнинг руҳи жисмларидан жудо бўлгач ва улувият оламига етгач, фоний маркаб(отлар)дан қутуладилар ва абадий маркабга минадилар ва шу абадий маркаблар устида абадий бўладилар ва ҳар бири ўз мақоми меъёрида роҳат ва фароғатда турадилар». Шу билан бирга улуғ шайх пайғамбарлар хатми хулосаси, набийлар, авлиёлар, алломалар, зоҳидлар, тақводорлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва маъданлар руҳониятига алоҳида тўхталиб тавсиф берган.

Имом Ғаззолийнинг кўплаб асарлари ҳам инсон ҳаёти ва мамоти масалаларига бағишланган. Ўзининг «Охиратнома» китобида буюк бобокалонимиз ўлимдан кейин арвоҳнинг тақдири, барзах дунёсидаги мақоматлари, қиёмат майдонида қайта тирилиш ва ҳисоб-китоблар, пулсирот кўприги хусусида баъзи маълумотларни бериб ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, бу воқеа замирида ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Аллоҳ ўзининг мавжудлигини инсонларга ҳар қадамда, ҳар бир ҳодисада билдириб туради, уни англаган англайди, англамаган эса ғофиллигича қолади. Бу ҳам бизни имонга, эътиқодга чорловчи бир ҳодисадир.

Аслида бу инсонни ҳамиша эзгуликка, ҳаётда яхши из қолдириб ўтишга, бинобарин, имону эътиқодга чорловчи шу сингари кўпдан-кўп сирли воқеаларнинг биридир, холос.

